БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 195 (1199)

1 ОКТЯБРЬ ЧОРШАНБА 1958 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

Н. С. Хрушчев, К. Е. Ворошилов ўртоқларнинг Мао Цзэ-дун, Лю Шао-ци ва Чжоу Энь-лай ўртоқларга табрик телеграммалари (1-бет).

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов Тошкентга келди (1-бет).

Ўзбекистонда Совет-Хитой дўстлиги жамияти бўлими тузилди. Тошкентда таъсис йиғилиши (1-бет).

Совет-Хитой дўстлиги мустаҳкамдир. С. Орипов. — Улуғ Хитой социализм қурмоқда. **Р. Маҳкамов.**— Хитой кабелчилари билан ҳамкормиз (2-бет).

МАМЛАКАТГА 500 МИНГ ТОННА ПАХТА БЕРАМИЗ: **Октябрь ойи графигини ошириб бажариш учун курашайлик! Б. Халилов.** — Пионкентда нималарга эътибор берилмаётир (3-бет).

ОСИЕ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ЁЗУВЧИЛАРИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН: **Кришан Чандар.** — Муҳаббатнинг кўзи кўр, дейдилар (3- ва 4-бетлар).

ЖУРНАЛИСТ БЛОКНОТИДАН: **З. Есенбоев. — Брюссель виставкаси хотиралари** (4-бет).

БМТ Бош Ассамблеясининг XIII сессияси (4-бет).

Хитой Халқ Республикаси мудофаа министрлиги вакилининг баёноти (4-бет).

Араб Шарқи мамлакатлари билан дўстлик ва маданий алоқа Совет жамиятининг баёноти. (4-бет).

Хитой халқининг шонли байрами

Бугун хитой халқининг қувончи бениҳоя катта. Чунки ёркин келажак сари, социализм йўлидан, тинчлик йўлидан, фаровон ҳаёт йўлидан ўта бораётган кўп миллионли қаҳрамон хитой халқи бугун ўзининг шонли байрами — Хитой Халқ Республикаси ташкил этилганлигининг тўққиз йиллигини зўр тантана билан байрам қилмоқда.

Хитой халқининг байрами, қувончи бизнинг ҳам байрамимиз, қувончимиздир. Чунки хитой халқи билан совет халқини бир мақсад — коммунизм қуриш учун, инсониятнинг порлоқ келажаги учун кураш мақсади бирлаштиради. Марксизм-ленинизмнинг жаҳонни революцион асосда қайта қуришга қаратилган ғолиб ва ҳаёт-бахш идеялари хитой халқининг ҳам, совет халқининг ҳам йўлини машъалдек ёритиб турибди! Коммунистик жамият барпо этиш йўлидаги курашда пўлатдек тобланган, ҳар қандай қийинчиликларга ҳам бардош берган ҳамда тобора мустаҳкамланиб бораётган совет-хитой дўстлигининг асоси ҳам ана шу олий идеаллар асосига қурилгандир. Шунинг учун ҳам совет-хитой дўстлиги абадий ва бузилмасдир. Бу дўстликни буза оладиган куч дунёда йўқ. Бу дўстлик яшар, мустаҳкамланиб борар экан, бизга ҳар қандай душман ҳам хавфли эмас!

Қаҳрамон ва эрксевар хитой халқининг эксплуатация ва миллий зулм кишанларидан абадий халос бўлиб, социализм қурилишининг кенг ва ёруғ йўлига чиқиб олганлигига тўққиз йил бўлди. Бу қисқа давр хитой халқининг асрлар давомида қашшоқликка, очликка, ҳуқуқсизликка махкум этиб келган машъум эксплуататорлик тузуми қолдиқларини тугатиш, чет эл империализми ўрнатган миллий зулм, ҳақорат ва камситишларга абадий чек қўйиш учун кураш йиллари бўлди. Бу йиллар ичида хитой халқи Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатни индустриялашнинг дастлабки базасини яратган биринчи беш йиллик планни амалга оширди.

Беш йилликнинг охирги йили, 1957 йилда Хитойда 5,9 миллион тонна чўян, 5,3 миллион тонна пўлат, 128 миллион тонна кўмир, 19 миллион киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқарилди. Беш йиллик план топшириқларининг муваффақиятли бажарилиши, социалистик революциянинг иқтисодий, сиёсий ва идеология соҳасида қозонган катта ғалабаси натижасида халқ Хитойи олга томон яна ҳам катта, мардонавор қадам ташлади. Шундан кейин Хитой Коммунистик партияси мамлакат меҳнаткашлари олдига социализм қурилишининг янада катта ва шарафли вазифаларини қўйди. Бу вазифа — Хитойни ҳозирги замон саноати, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданиятига эга бўлган қудратли социалистик давлатга айлантириш, 15 йил ичида саноат маҳсулотларининг асосий турлари бўйича энг асосий капиталистик мамлакатлардан бири бўлган Англияга етиб олишдир.

Хитой халқининг ижодий куч-ғайрати, ташаббуси, социалистик жамият барпо этишга бўлган иродаси ва ишончи, ниҳоят хитой халқининг йўлбошчиси, илҳомчиси доно Коммунистик партиянинг етакчилиги ана шу вазифани бажариш. мамлакатнинг социализм томон пойдевор қадамлар билан олга боришини таъмин этмоқда. Халқ Хитойи учун ҳар соат ҳар кун, ҳар ой ўсиш, ривожланиш, олга боришдир. Шу йилнинг биринчи ярмида саноат ишлаб чиқаришнинг ялпи маҳсулоти ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 34 процент, пўлат ишлаб чиқариш 26 процент, чўян ишлаб чиқариш 33 процент, нефть ишлаб чиқариш 30 процент, электр қуввати ишлаб чиқариш 30 процент ўсди. Бениҳоя тез суръатлар билан қурилаётган Аньшан, Баотоус, Ухон металлургия комбинатлари, Тайюан оғир машинасозлик, Лоян, Тяньцзин трактор, Чанчун ва Нанкин автомобиль заводлари ва бошқалар Хитой индустриясининг қудратли асосларидир.

Хитой халқининг қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасидаги муваффақиятлари кattадир. 500 миллион хитой деҳқонлари социализм йўлига узил-кесил ўтиб олдилар. Хитой Коммунистик партияси томонидан оқилона амалга оширилаётган қишлоқ хўжалигини кооперациялаш сиёсати ажойиб натижалар берди. 1957 йилда дон экинларининг умумий ҳосили 1949 йилга нисбатан 80 процент ошди. Қишлоқ хўжалиги техника билан тобора кўпроқ таъмин этилмоқда. Шу йилнинг ўзида хитой деҳқонлари 40 минг машина олди. Бу йил 300-350 миллион тонна дон етиштириш мўлжалланмоқда. Халқ Хитойида фан, маданият ва маориф йилдан йилга ўсмоқда.

Хитой халқининг доно Коммунистик партия раҳбарлигида қисқа давр ичида қўлга киритган ютуқлари социалистик системанинг капиталистик системага нисбатан буюк устунликларга эга эканлигини, ўз тақдирини ўз ҳўлига олган, эксплуатациядан холос бўлган халқлар мўъжизалар яратишга, ўз мамлакатини мустаҳкам, қудратли қилишга, ўз ҳаётини ғўзал ва фаровон этиб барпо этишга қодир эканлигини яна бир бор исботлайди.

Хитой Халқ Республикаси — Осиёдаги социализм йўлидан бораётган буюк ва тинчликсевар мустақил давлатдир. Аммо фақат ўз бурнидан нариги ёқни кўра олмаётган империалистик мамлакатлар, айниқса Америка Қўшма Штатлари хитой халқининг эришган муваффақиятларини назар писанд қилмаётирлар. Улар ҳар турли найранг ва баҳоналар билан Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги қонуний ўрнини эгаллашига халақит бермоқдалар. АҚШ империалистлари аллақачонлар шармандаларча қувилган ва ҳозирги вақтда Хитойнинг ажралмас қисми Тайвань оролида ўғриларча қонунсиз равишда ўзининг сўнгги дамларини кечираётган қолоқ чанкайши тўдасини қўллаб-қувватлаб, қурол бериб, қийинтириб Халқ Хитойига, янги социалистик Хитойга қарши йўлламоқчи бўлмоқдалар. Шу мақсадда АҚШ ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий-денгиз кучлари Тайванга келтирилмоқда, Хитой Халқ Республикасининг суверен ҳуқуқларини бузиб, игвогарлик мақсадида Хитой ороллариига ҳужум қилмоқда.

Аммо хитой халқи социализм қурилишида эришган ғалабаларини, ўз мустақиллиги ва суверенитетини ҳимоя қилишга қодирдир. Хитой халқи ўз кindик қони тўкилган ер—Тайванни албатта озод қилади. Бу кураш фақат Хитойни ёлғиз эмас. Совет Иттифоқи бошчилигидаги социализм лагери, бутун прогрессив инсоният Хитой билан биргадир!

Совет Иттифоқи ўзининг энг яқин дўсти, қардоши улуғ хитой халқи билан ҳамма вақт: унинг байрамида ҳам, қувончида ҳам, қайгусида ҳам биргадир. Шунинг учун ҳам СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев шу йил 7 сентябрда АҚШ Президенти Эйзенхауэрга юборган Мактубида бундай деб ёзади:

«Мамлакатимизнинг улуғ дўсти ва кўшниси бўлган Хитой Халқ Республикасига ҳужум қилиш Совет Иттифоқига ҳам ҳужум қилиш демакдир. Ўз бурчига содиқ бўлган бизнинг мамлакатимиз ҳар иккала давлатнинг хавфсизлигини, Узоқ Шарқда тинчлик манфаатларини халқ Хитойи билан биргаликда қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқ учун бутун чорани кўради».

Совет халқи, халқ демократияси мамлакатларининг меҳнаткашлари 600 миллионли қардош хитой халқига унинг тўққиз йиллигини кунида катта ва алангали садо йўллайдилар, хитой халқига социализм қурилиши йўлида катта муваффақиятлар тилайдилар.

ВЛКСМ Марказий Комитетида

ВЛКСМ Марказий Комитетининг II пленуми химия саноати корхоналари қурилишида ва бу корхоналарни кенгайтиришда актив қатнашиш учун область, ўлка ва республика комсомол ташкилотларининг социалистик мусобақасини, шунингдек химия саноатининг қурилаётган ва реконструкция қилинаётган корхоналарининг заказларини бажарувчи машинасозлик ва асбобсозлик заводлари комсомол ташкилотларининг мусобақасини эълон қилган эди. ВЛКСМ Марказий Комитети пленумининг ана шу қарорига мувофиқ, область, ўлка ва республика комсомол ташкилотлари социалистик мусобақасининг ғолибларини рағбатлантириш учун ВЛКСМ Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети химия давлат комитетининг кўчма Қизил байроғини ҳамда 15 минг сўм миқдорида пул мукофотини таъсис этди. Химия саноатининг қурилаётган ва реконструкция қилинаётган асосий объектларидаги қурилиш-монтаж ишлари планларининг тўла ва ошириб бажарилишига, меҳнат унумдорлигининг оширилишига ва қурилиш таннархининг камайтирилишига энг актив ёрдам бераётган область, ўлка ва республика комсомол ташкилоти мусобақада ғолиб чиққан деб ҳисобланади.

Химия саноатининг қурилаётган ва реконструкция қилинаётган корхоналари заказларини бажараётган машинасозлик ва асбобсозлик заводлари комсомол ташкилотлари мусобақасининг ғолибларини рағбатлантириш учун ВЛКСМ Марказий Комитети кўчма байроқча ва 5 минг сўм миқдорида пул мукофоти таъсис этди. Мусобақа якунларини ҳар кварталда тўплаб боришга қарор қилинди.

Хитой Халқ Республикасининг Раиси, Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг раиси

ўртоқ МАО ЦЗЭ-ДУНГА

Халқ вакиллари Умумхитой мажлиси доимий комитетининг раиси

ўртоқ ЛЮ ШАО-ЦИГА

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг Бош министри

ўртоқ ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАЙГА

Совет халқи номидан, Совет Иттифоқи Коммунистик Партияси ва Ҳукумати номидан Сизларни, азиз дўстлар, ва Сиз орқали бутун буюк хитой халқини, Хитой Коммунистик партиясини ва Хитой Халқ Республикаси ҳукуматини Хитой Халқ Республикасининг IX йиллиги билан чин кўнгилдан қутлаймиз.

Мамлакатларимизнинг қардош халқлари бу шонли кунни энг самимий дўстлик муносабатлари, социалистик интернационализмнинг муқаддас принципларига асосланган ҳар тарафлама ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам янада ривожланаётган шароитда нишонламоқдалар.

Совет ва хитой халқлари ўртасидаги дўстлик коммунизм учун курашдаги мақсадларнинг бирлиги билан абадий мустаҳкамлангандир. Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикаси коммунистик партияларининг мустаҳкам жипслашганлиги халқларимизнинг умумий иши тантана қилиши учун ишончли гарантиядир. Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикаси раҳбар арбобларининг яқинда Пекинда учрашганлиги жуда катта воқеа бўлди. Бу учрашув ҳозирги замоннинг энг муҳим проблемалари бўйича халқларимизнинг тамомила бир фикрда эканлигини бутун дунёга яна намойиш қилиб кўрсатди. Бу учрашув Совет-Хитой дўстлигининг бузилмас кучини яна бир марта кўрсатди, барча мамлакатларнинг тинчликсевар халқлари билан бирга тинчлик ва халқаро хавфсизлик ишини ҳимоя қилиб қолишга қарор берганлигимизни ва тайёр эканлигимизни, агрессорларга зарба беришга аҳд қилганлигимизни намойиш қилиб кўрсатди.

Совет кишилари хитой халқининг социалистик қурилишда эришган катта муваффақиятларини хурсандчилик билан ва фахрланиб кузатиб бормоқдалар. Хитой Халқ Республикасининг халқ хўжалиги мамлакат тарихида мисли кўрилмаган даражада юксалди. Социалистик қурилишдаги бош йўлни амалга ошира бориб хитой халқи ҳақиқатан гигант қадамлар билан илгарилаб бормоқда, ўз ватанини ҳозирги замон саноатига, ҳозирги замон қишлоқ хўжалигига, ҳозирги замон фан ва маданиятига эга бўлган қудратли социалистик давлатга айлантирмоқда.

Бу муваффақиятлар хитой халқининг етакчи ва йўналтирувчи кучи бўлган шонли Хитой Коммунистик партиясининг фаолияти билан чамбарчас боғланган-дир. Хитой Коммунистик партияси марксизм-ленинизм назариясига амал қилиб ҳамда бу назарияни ўз мамлакатининг конкрет шароитида ижодий ривожлантириб бориб, ревизионистик бузилишларга қарши марксизм-ленинизмнинг поклиги учун кескин кураш олиб бориб бутун халқни Сизларнинг мамлакатингизда социализмнинг тўла ғалабаси учун курашга отлантирди.

Сизларга, қадрдон дўстлар ва Сиз орқали бутун улуғ Хитой халқига социалистик қурилишда, буюк Хитой давлатининг қудратини мустаҳкамлашда янада катта муваффақиятлар тилаймиз.

Яшасин Хитой Халқ Республикаси!

Яшасин Хитой Коммунистик партияси ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати!

Қаҳрамон Хитой халқига қардошлик салом!

Яшасин совет ва хитой халқлари ўртасидаги абадий ва бузилмас дўстлик!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи Секретари, СССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси
Н. ХРУШЧЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
К. ВОРОШИЛОВ.

Москва, Кремль, 1958 йил, 30 сентябрь.

Ўзбекистонда Совет-Хитой дўстлиги жамияти бўлими тузилди

Тошкентда таъсис йиғилиши

30 сентябрда Тошкентда, Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида республика жамоатчилиги вакилларининг — ишчи ва колхозчилар, фан ва маданият арбоблари, ўқувчилар, Совет Армияси жангчиларининг Совет-Хитой дўстлиги жамиятининг Ўзбекистон бўлимини тузишга бағишланган кўп кишилик йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Конференциясини ўтказиш Осиё-Африка тайёргарлик комитетининг аъзоси, хитой ёзувчиси Го Сяо-чуань, Хитой Халқ Республикасининг Тошкентда таълим олаётган студентлари ҳозир бўлдилар.

Чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти правлениесининг раиси Ш. К. Ширинбоев қисқа кириш сўзи билан йиғилишни очади.

Совет-Хитой дўстлиги жамиятининг Ўзбекистон бўлимини ташкил этиш ҳамда унинг вазифалари тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов доклад қилди.

— Дўстлик ва ҳамкорлик, — деди у, — СССРни кўп мамлакатлар билан ва, биринчи галда, халқ демократияси мамлакатлари билан боғлайди. Мақсаднинг бирлиги, ғоявий бирлик тинчлик учун биргаликда олиб борилаётган кураш бизни ана шу мамлакатлар билан бирлаштиради. Улуғ Хитой халқи билан совет халқининг дўстлиги мустаҳкамдир. Бу дўстликнинг қадимги ва мустаҳкам традициялари бор, бу дўстлик абадий ва бузилмас дўстликдир.

Докладчи ўз сўзида таъкидлайдики, Хитойда халқ революциясининг ғалабаси ҳамда 1917 йил октябридан кейин жаҳон тарихида энг катта воқеа бўлган Хитой Халқ Республикасининг тузилганлиги совет ва хитой халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликнинг ривожланиши учун беҳад имкониятлар очиб бериб, иккала мамлакатнинг ривожланиши ва равнақ топиши учун ғоят катта таъсир кўрсатмоқда ва бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилиш ишида муҳим роль ўйнамоқда.

Иккала мамлакатнинг иқтисодий, илмий-техника ва маданий ҳамкорлиги, ўзаро ёрдами йил сайин мустаҳкамланиб ва кенгайиб бормоқда. Иккала давлатнинг бир-бирига ҳукумат, жамоат делегациялари, маданий ва бошқа делегациялар юбориб туриши совет ва хитой халқларининг алоқаларини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Иккала халқнинг дўстлиги ва маданий ҳамкорлигини ривожлантиришда Хитойда барпо этилган хитой-совет дўстлиги жамияти катта аҳамиятга эгадир. Бу жамият оммавий, кўп миллион кишини ўзига бирлаштирган ташкилотдир. Бу жамият Хитой Халқ Республикаси барпо этилгандан кейин тез орада вужудга келтирилган эди. Хитойнинг кўзга кўринган давлат ва жамоат арбоблари бу жамиятни тузишнинг ташаббускорлари бўлдилар. Хитой-совет дўстлиги жамиятининг катта ва фойдали ишини Совет мамлакатида яхши биладилар ва қадрлайдилар. Жамият томонидан рус тилида нашр этиладиган «Дружба» журналини СССР меҳнаткашлари зўр қизиқиш билан ўқийдилар.

Ўртоқ Рашидов Хитой Халқ Республикаси барпо этилган кундан буён ўтган тўққиз йил мобайнида хитой халқи томонидан социалистик қурилишда эришилган тарихий ғалабаларни таърифлайди. Бу муваффақиятлар Хитой Коммунистик партиясининг раҳбарлиги остида қўлга киритилган.

Совет халқи хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида хитой халқи эришган ажойиб муваффақиятларни кўриб қувонади.

СССР билан Хитой Халқ Республикаси ҳамда социалистик лагердаги барча мамлакатлар ўртасида мустаҳкамланиб бораётган қардошларча дўстлик ва ҳамкорлик империалистик корчалонларни ғазабга келтиради. Узоқ Шарқда АҚШ империалистлари томонидан бошланган янги ҳарбий фитна бутун дунёда тинчлик учун бевосита ва жиддий хавф туғдиради ва бу эса, дунёдаги барча софдил кишиларда ҳаққоний равишда ғазаб туйғусини уйғотади. Хитой Халқ Республикаси билан қардошларча дўстлик ва ўзаро ёрдам муносабатларида бўлган совет халқи ўз биродори хитой халқига ҳаёсиз ва ҳаддидан ошиб кетган фитначиларни — уруш олови ёқувчиларни жиловлаб қўймоқ учун ҳамма воситалар билан ёрдам беради.

Ўтган йили Совет мамлакатида совет-хитой дўстлиги жамияти тузилганлиги СССР билан қардош Хитой давлати ўртасидаги ҳар тарафлама муносабатларда янги муҳим бир босқич бўлди. Бу жамият бир йил ичида икки буюк халқ ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш йўлида катта иш қилди.

Жамоат арбоблари, фан ва маданият ходимлари, ишчи ва колхозчиларнинг вакилларидан иборат ташаббус группаси совет-хитой дўстлиги жамиятининг Ўзбекистон бўлимини таъсис этиш таклифи билан чиқди. Ташаббус группаси Ўзбекистонда жамиятнинг бўлимини барпо этиш республикамиз меҳнаткашлари билан хитой халқи ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантириш ва кенгайтиришда катта роль ўйнайди, деб ҳисоблайди. Мен ўйлайманки, дейди ўртоқ Рашидов, агар янги жамоат ташкилоти — совет-хитой дўстлиги жамиятининг Ўзбекистон бўлимини тузиш таклифини киритсам шу ерда ҳозир бўлган ҳамма кишиларнинг ва республикадаги барча меҳнаткашларнинг ҳоҳишини ифода қилган бўламан.

Совет-хитой дўстлиги жамиятининг бўлими Ўзбекистон билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, маданий ҳамкорликни кенгайтиришга, Ўзбекистон жамоатчилигини хитой халқининг ҳаёти билан, унинг социалистик қурилиш тажрибаси билан янада кенгроқ таништиришга, хитой халқини Ўзбекистон ССР меҳнаткашларининг турмуши билан таништиришга ёрдам беради.

Ўз сўзининг охирида ўртоқ Рашидов бундай деди:

— Менга йиғилиш номидан шу ерда ҳозир бўлган хитой ўртоқлар орқали улуғ хитой халқига — бизнинг қардошимиз, дўстимиз ва иттифоқчимизга қардошлик саломини йўллашга ҳамда социалистик қурилиш йўлидаги буюк ишда хитой халқига муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз!

Йиғилишда Хитой Халқ Республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Лю Слонинг телеграммаси ўқиб эшиттирилди. Бу телеграммада у хитой халқи номидан ва шахсан ўз номидан Ўзбекистон халқига самимий табриклар ва энг яхши тилакларини йўллайди.

Йиғилишда Тошкент тўқимачилик комбинатининг донгдор тўқувчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати С. Пўлатова, «Правда Востока» газетасининг редактори, тинчликни ҳимоя қилиш Ўзбекистон республика комитети раисининг ўринбосари С. С. Черник, Самарқандлиги «Красный двигатель» заводининг слесари, республика Олий Советининг депутати И. Ф. Блинов сўзга чиқилар. Уларнинг ҳаммаси ўз сўзларида совет-хитой дўстлиги жамиятининг Ўзбекистон бўлимини тузиш тўғрисидаги таклифни қизғин қувватладилар.

Йиғилишда тўпланган кишилар хитой ёзувчиси, Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари Конференциясини ўтказиш Осиё-Африка тайёргарлик комитетининг аъзоси Го Сяо-чуанни самимий кутиб олдилар. У СССР билан хитой халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги йил сайин мустаҳкамланиб боради, деб ишонч билдирди.

Раислик қилувчи йиғилиш номига саноат корхоналари коллективларидан, колхозлардан, ташкилотлардан, олимлар ва маданият арбобларидан, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларидан жуда кўп телеграмма ва хатлар келганлигини билдиради. Бу телеграмма ва хатларда Ўзбекистонда совет-хитой дўстлиги жамияти бўлими тузилиши қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Совет-хитой дўстлиги жамияти правлениесининг табрик телеграммаси ўқиб эшиттирилади.

Йиғилиш Ўзбекистонда совет-хитой дўстлиги жамияти бўлимини тузиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилди.

Йиғилиш қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида Пекиндаги Хитой-Совет дўстлиги жамиятига телеграмма юборилди. Шунингдек Хитой Халқ Республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Лю Сяо номига ҳам телеграмма юборилди.

Йиғилишда совет-хитой дўстлиги жамияти Ўзбекистон бўлимининг 35 кишидан иборат правлениеси сайланди. Правлениенинг раиси қилиб Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти С. Ю. Юнусов сайланди. (ЎзТАГ).

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов Афғонистонга жўнаб кетди

Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир Шоҳ ҳазрат олийларининг таклифига мувофиқ, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов яхши ният визити билан 30 сентябрда Афғонистонга жўнаб кетди. К. Е. Ворошиловга унинг Афғонистонга қилаётган сафарида СССР Олий Совети Миллатлар Советининг ташқи ишлар комиссияси раиси Н. А. Муҳитдинов, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. П. Фирюбин, Тожикистон Фанлар академиясининг президенти, СССР Олий Совети депутати С. У. Умаров, СССР Маданият министрининг ўринбосари Н. Н. Данилов, СССР Министрлар Советининг ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг аъзоси Д. Д. Дегтярь ва бошқалар ҳамроҳ бўлиб бормоқдалар.

СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродроми. Бу ерга К. Е. Ворошиловни ва унинг ҳамроҳларини кузатиб қолиш учун Москва меҳнаткашларининг вакиллари, партия ва давлат арбоблари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, фан ва маданият арбоблари, матбуот, радио, телевидение ходимлари келдилар.

Кузатувчилар орасида А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, Н. Г. Игнатов, А. И. Кириченко, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, А. Н. Косигин ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари М. П. Тарасов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. И. Кузьмин, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари А. А. Андреев, И. В. Капитонов, В. И. Устинов, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси П. Н. Лобанов, СССР Олий Совети Миллатлар Совети Раисининг ўринбосари И. А. Каиров, СССР Олий судининг раиси А. П. Горкин, СССР министрлари П. Я. Антропов, Е. Ф. Кожевников, Р. Я. Малиновский, Е. П. Славский, Н. Д. Псурцев, В. В. Мацкевич, В. И. Елютин, Н. С. Патоличев, Д. В. Павлов, В. Г. Бакаев, А. Г. Зверев, Н. А. Михайлов, министрларнинг вазифасини адо этувчилар В. В. Кузнецов, С. Н. Переверткин, Совет Иттифоқи маршаллари И. С. Конев, С. С. Бирюзов, К. С. Москаленко, А. И. Еременко, СССР Олий Совети депутатлари П. Т. Комаров, Б. Ғ. Ғафуров, И. А. Бенедиктов, А. Н. Кидин, РСФСР Олий Совети депутатлари, Марказий бошқарма ва муассасаларнинг раҳбарлари, Совет Армиясининг генераллари, СССР Олий Совети Президиумининг, СССР Ташқи ишлар министрлигининг масъул ходимлари бор эди.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошиловни Москвадаги дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари, Афғонистоннинг СССРдаги вақтинча ишлар вакили А. Носир Зиё жаноблари, элчихоналарнинг ходимлари кузатиб қолдилар.

Аэродромда тўпланган кишилар К. Е. Ворошиловни ва Н. А. Муҳитдиновни самимий табриклайдилар. Болалар ударга гулдасталар тақдим этадилар.

Эрталаб соат 10. Кузатувчилар яхши тилаклар билан хайрлашиб қолганлари ҳолда ўртоқ К. Е. Ворошилов ва унинг ҳамроҳлари самолёт бортига чиқадилар. Яна бир неча минут ўтади ва «ТУ-104» Тошкентга парвоз йўл олади. (ТАСС).

СССР Олий [illegible] Президиумининг Раи[illegible] Ворошилов [illegible] келди

Афғонистон по[illegible] Зоҳир Шоҳнинг та[illegible] Афғонистонга яхш[illegible] лан жўнаб кетаётга[illegible] Совети Президиумини[illegible] тоқ К. Е. Ворошилов 3[illegible] «ТУ-104» самолётида м[illegible] Ўзбекистон пойтахтига кел[illegible] тоқ К. Е. Ворошиловнинг Аф[illegible] тонга қилаётган сафарида [illegible] Олий Совети Миллатлар Совети ташқи ишлар комиссиясининг раиси Н. А. Муҳитдинов, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. П. Фирюбин, Тожикистон Фанлар академиясининг президенти, СССР Олий Совети депутати С. У. Умаров, СССР Маданият министрининг ўринбосари Н. Н. Данилов, СССР Министрлар Советининг ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг аъзоси Д. Д. Дегтярь ва бошқалар ҳамроҳ бўлиб бормоқдалар.

Меҳмонлар тушган самолёт учиб келишидан анча вақт илгари байрамдагидек безатилган Тошкент аэродромида Тошкентнинг неча минглаб меҳнаткашлари — саноат корхоналари коллективларининг, муассаса ва ўқув юртларининг вакиллари, фан, маданият ва санъат арбоблари тўпландилар. Кутиб олувчилар орасида М. А. Абдураззоқов, О. А. Алимов, А. Н. Бизов, Р. Ғ. Ғуломов, С. К. Камолов, Р. Е. Мельников, М. З. Мирзаахмедов, С. Н. Нуриддинов, З. Р. Раҳимбобоева, Ш. Р. Рашидов, А. Н. Рудин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Е. С. Насриддинова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. И. Идҳомова, Туркистон ҳарбий округи қўмондони армия генерали И. И. Федюнинский, республика Госплани раиси С. К. Зиёдуллаев, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ф. Х. Хўжаев, республика министрлари Т. А. Жалилов, А. В. Курганов, Х. А. Маъруф[illegible] А. А. Саримсоқов, И. В. Стрельн[illegible] Г. С. Султонов, А. А. Хўжаев, [illegible] шаҳар ижроия комитети[illegible] раиси М. И. Йўлдошев, СССР [illegible]ий Совети [illegible] ва Ўзбекистон ССР [illegible]ий Совети депутатлари, республика ташкилотлари ва муассасаларининг раҳбарлари бор эди.

Меҳмонлар тушган реактив ҳаво кемаси Тошкент аэродромига келиб қўнади. Самолётдан ўртоқ К. Е. Ворошилов ва унинг ҳамроҳлари чиқадилар. Ҳозир бўлган кишилар меҳмонларни гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар. Пионерлар келган меҳмонларга қатта гулдасталар тақдим этадилар.

Ўртоқ К. Е. Ворошилов микрофон ёнига келиб аэродромда тўпланганларни ва Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларини қизғин табриклайди, ўзбек халқига коммунистик қурилиш йўлида янада муваффақиятлар тилайди.

К. Е. Ворошилов ва Н. А. Муҳитдинов очиқ машинага тушадилар. Меҳмонлар шаҳарга қараб йўл оладилар. Бутун йўл давомида уларни Ўзбекистон пойтахтининг минг-минглаб меҳнаткашлари самимий табриклайдилар.

Кечқурун К. Е. Ворошилов, Н. А. Муҳитдинов ва бошқа меҳмонлар Навоий номидаги Ўзбек давлат опера ва балет театрида Ўзбекистон санъат усталарининг концертида ҳозир бўлдилар.

Концертда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари С. К. Камолов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов, республика Министрлар Советининг Раиси М. З. Мирзаҳмедов ва Ўзбекистоннинг бошқа раҳбар ходимлари бор эди.

Театрда тўпланган кишилар залда К. Е. Ворошилов ва Н. А. Муҳитдинов пайдо бўлганда уларни қизғин кутиб олдилар. (ЎзТАГ).

СССР Савдо министрлигида

СССР Савдо министрлиги СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ, 1958 йил 1 октябрдан бошлаб болалар ассортиментидаги баъзи саноат товарларининг чакана нархларини яна камайтирди. Болаларнинг штапель газлама ва сунъий шойи газламаларидан тикилган кийим-кечаклари ва ички кийимлари нархлари ва трикотаж ички кийимнинг баъзи хиллари чакана нархлари ўрта ҳисобда 20 процент камайтирилади; болалар учун сунъий духобадан тикилган буюмларнинг чакана нархлари ўрта ҳисобда 15 процент камайтирилади.

Янги цех

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 41 йиллиги ҳамда КПСС XXI съезди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб ишлаётган 160-қурилиш трестининг УНР-228 бинокорлари катта муваффақиятни қўлга киритдилар. Чирчиқ қаттиқ қотишмалар заводи металлургия цехининг биринчи навбати қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди. Янги цех дастлабки саноат маҳсулоти ишлаб чиқарди.

СОВЕТ—ХИТОЙ ДЎСТЛИГИ МУСТАҲКАМДИР

Хитой хотиралари

Ўтган йилнинг худди шу кунларида Хитойда, Пекиннинг серқатнов кўчаларидан бирига жойлашган Хитой Халқ Республикаси қишлоқ хўжалиги академиясида хитой олимлари, профессорлар, илмий ходимлар билан бирга эдим. Мен бу буюк мамлакатда 7 ой бўлдим. Ана шу ўтган давр мобайнида мамлакат халқ хўжалигининг кўпгина тармоқлари билан танишишга муваффақ бўлдим.

Мамлакатда социалистик қурилишлар тез суръатлар билан олиб борилаётир. Ўтган қисқа муддатда жуда кўп янги завод ва фабрикалар қурилган. Металл заводи, автомобиль ва самолётлар ишлаб чиқарадиган заводлар шулар жумласиндандир.

Республиканинг қишлоқ хўжалиги соҳасида қўлга киритаётган ютуқлари айниқса муҳимдир. Мамлакатдаги 95 процент қишлоқ аҳолиси кооператив ва госхозларга аъзо бўлиб кирган. Булар билан бир қаторда мамлакатнинг фан ва маданияти ҳам кун сайин тараққий этиб бораётганлигини кўрсатувчи жуда кўп мисол келтириш мумкин.

Хитой Халқ Республикасида худди биздагидек фанлар академияси, академиянинг бир неча илмий текшириш институтлари бор.

Мен бир неча олий ўқув юртида бўлдим. Ў ердаги машғулотлар, айниқса студентларнинг ишлаб чиқариш практикалари билан қизиқдим. Шуни айтиш керакки, хитой студентлари фақат қиш кунлари институт аудиторияларида лекция тинглайдилар. Қолган фаслар — баҳор ва кузда эса ишлаб чиқаришда, далаларда, завод-фабрикаларда, турли қурилишларда, конларда ишлайдилар. Баъзан ўқитувчилар студентлар ишлаб турган жойга бориб консультациялар ўтказадилар.

Хитойда эканман, у ердаги тинчликсевар хитой халқининг мамлакатнинг гуллаб-яшнаши, фан-маданиятнинг тараққиёти учун тинмай олиб бораётган курашини кўриб беҳад қувондим.

В. В. ЯХОНТОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси.

Пекин. Бу ерда 31 июндан 3 августгача Н. С. Хрушчев ва Мао Цзэ-дун ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Суратда: Н. С. Хрушчев билан Мао Цзэ-дун учрашув тўғрисидаги Ахборотни имзоламоқдалар.

Хитой кабелчилари билан ҳамкормиз

Бизнинг заводимизда экспорт учун ишлаб чиқариладиган маҳсулот планининг бажарилишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Халқ демократияси мамлакатларидан Болгария, Чехословакия, Руминия ва Хитой Халқ Республикаларининг кўпгина заказларини бажараётирмиз. Айниқса, кейинги йилларда халқ Хитойидан кўплаб заказалар қабул қилинмоқда. Бу йил Хитойга 86 тонна троллейбус сими, бир километрга яқин нефть саноати корхоналарида ишлатиладиган кабеллар тайёрлаб беришни планлаштирган эдик. Хитой халқининг миллий байрами арафасида уларга совға сифатида биз бу заказларнинг ҳаммасини муваффақият билан бажардик.

Биз Хитойдаги кўпгина саноат корхоналари коллективлари билан яқиндан алоқадамиз. Мукден шаҳридаги Шэньян электрокабель заводининг ишчилари билан маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш бобида мусобақалашаяпмиз. 5-6 йилдан бери тажриба алмашиб, ютуқларимизни ўртоқлашиб келмоқдамиз. 1956 йили Шэньян заводининг Ли-Мао-Син, Дун-Ши-До, Май-Си-Цин, Ван-Цзин-Шэн, Ван-Тэн-Шэй, Лю-Фу-Тан ўртоқлардан иборат бир группа ишчилари заводимизнинг ишлаб чиқариш процесси билан танишишга келган [illegible]. Улар корхонамизда бир йил [illegible]шлаб чиқариш, янги техни[illegible] муфассал танишиб, ўз [illegible]айтдилар. Шэньян ка[illegible] проектини тузишда [illegible] коллективимизнинг [illegible] инженерларимиздан [illegible]в ўртоқлар Хитой [illegible]куриш ва проект[illegible]осита қатнашган[illegible]

[illegible] йил ишлаб қайт[illegible]ль заводининг ишч[illegible]р ўз корхоналарида [illegible]ошлиги бўлиб ишла[illegible]лар бизга ёзган хатла[illegible]т техникасини пухта эгал[illegible]клари, она-ватанларига кат[illegible]да келтираётганликлари ҳа[illegible] қувонч билан сўзлайдилар. Дўстларимизнинг ютуқлари бизни қувонтирмоқда.

Р. МАҲКАМОВ,
«Ташкабель» заводининг ишлаб чиқариш бошлиги.

Хитой Халқ Республика[illegible] спортчилари Ўзбекистон пой[illegible]тахтига тез-тез келиб турадиган бўлиб қолдилар. Суратда: тошкентлик спортчи Мария Ярославцева ва хитойлик спортчи Ли Шоу-юань бир-бирларини мусобақа натижаси билан табриклямоқдалар.

В. Панов фотоси.

Люй ЦЗЯНЬ

(Хитой шоири)

Пекинни шарафлайман

Мардлик, тинчлик шаҳри, она диёр
Сени қандай қилиб куйламайин мен!
Гарчи минг йилларни яшаганинг бор,
Бироқ бу кун қайта яшаролдинг сен.

Гуллаб шовқин солиб турган дала, боғ,
Олтин бошоқзор-у қирларда ҳаргиз
Сени қўшиқ қилиб куйлайди қувноқ
Миллионлаб хитойли ҳар ўғил, ҳар қиз.

Биринчи октябрь. Кўксингда кулиб
Саф-саф колонналар шодон оқади.
Танклар гуриллайди. Кўкингга тўлиб
Пўлат қушлар ўйнаб қанот қоқади.

Бугун нақадар мўл Пекинда гуллар,
Қалбларда қувонч мўл, кўзларда нур мўл.
Оқ каптарлар тиниқ осмонга ўрлар.
Болалар гул тутиб ўтар силкиб қўл.

Салют гулдуроси авс садо бериб
Менинг бу халқимни қутлаган йўсин,
Тоғ, чеғаро, ўрмон, сув оша елиб
Янграб олисларга таратар ўзин.

Оғир жазолардан қўрқмай, булутлар,—
Ортидаги иссиқ ўлкалардан ҳам
Табриннома йўллаб қардошлар нутлар
Бугун нишонланиш кунингни бардам.

«Жаҳонга тинчлик!» деб айтилган шиор—
Ўз қасами бўлган ҳар ёр, ҳар дўстинг
Сенга салом йўллаб, сенинг ифтихор,
Сенинг қувончингни баҳам кўрар тенг.

Сени қандай қилиб куйламайин мен!
Ҳокимият бизнинг халқинкидир, ҳа!
Тинчлик, бахт меҳнатнинг истеҳкоми,
Сен —
Москвага ужасан, —
Оғанг Москва!

Русчадан таржима.

Миннатдорман

1956 йили Син-Цзи-Янь вилоятидан 44 киши Совет Ўзбекистонига ўқишга келган эдик. Жонажон Хитой давлати бизни шундай олий мактабга йўллар экан, ниҳоятда севиндик. Бу ерда бизни совет жамоатчилиги, совет студентлари жуда яхши қарши олдилар. Мен дўстларим қатори Ўрта Осиё давлат университетининг филология факультетига ўқишга кирдим. Биз бу ерда ўзимизни худди ўз она юртимиздагидек сездик. Ўқиш давомида рус тилини билмаслик, ўзбек тилини тўла тушунмаслик каби қийинчиликларни енгишда бизга университет ўқитувчилари, курсдош дўстларимиз катта ёрдам бердилар. Бунинг учун биз чексиз миннатдормиз.

Бизнинг бирдан бир мақсадимиз пухта билим олиш, дўстликни янада мустаҳкамлашдан иборат. Шу кунларда АҚШ қўшинлари Тайвань оролидан туриб хитой халқининг озод ҳаётига хавф туғдиришга зўр бериб уринмоқда. Лекин эрксевар хитой халқи агрессорларнинг бу ғиғосини ер билан яксон қилади, албатта.

Биз, миллий тилимизда ўқиб, миллий маданиятимизни пухта эгаллаб олиш учун тўла шароит яратиб берган Хитой Коммунистик партияси, хитой халқи учун хизмат қилиш орзуси билан яшамоқдамиз.

Ҳабибулла ЮНУСОВ,
САГУ студенти.

Ҳақиқат Улуғ Хитой томонида

Жаҳондаги тинчлик ва эрксевар халқлар Америка Қўшма Штатларининг Узоқ Шарқда Улуғ Хитойга нисбатан қилаётган ҳарбий авантюрасини қораламоқдалар. Америкали босқинчилар шармандаларча сурбетлик қилиб Хитойнинг территориясига суқилмоқда, Улуғ Хитойнинг ички ишларига ҳеҳқандай асос бўлмаган ҳолда аралашмоқда.

Улуғ хитой халқи ўз территориясининг асрлардан-асрларгача таркибий қисми бўлиб келган Тайвань ва бошқа ороллари сотқин чанкайшичилардан ва у ерга зўравонлик қилиб кириб олган америка қўшинларидан тозаламоқчи. 600 миллионли қудратли халқ бунинг учун маҳкам бел боғлаган, унинг бу ҳақли ишида ҳеч қандай тўсиқ ва ғов бардош бера олмайди, албатта. Буни океан орқасидаги қаллоблар вақти ғаниматида эс-ҳушларини йиққан ҳолда яхши билиб олишлари зарур. Бўлмаса вақт ўтгандан кейин пушаймон қилишга ўрин қолмаслиги мумкин.

Америкалик урушқоқлар яна шуни яхши билишларки, Хитой халқи ёлғиз эмас. Улуғ Хитой Совет Иттифоқи бошчилигидаги жаҳон социалистик системасига киради. Совет Иттифоқи ҳамма вақт Хитой томонидадир.

Бу бирлик шу йилнинг 3 августида Пекинда Н. С. Хрушчев билан Мао-Цзэ-дун учрашувлари натижасида имзоланган Ахборотда ўзининг ёрқин ифодасини топди ва янада мустаҳкамланди.

Эчкининг ўлгуси келса қассоб билан ўйнашади деган халқимизнинг ажойиб мақоли бор. Империалистлар олов билан ўйнашмоқдалар, дунёнинг у ёки бу районида янги уруш оловини келтириб чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар. Улар бу билан ўзлари учун ўзлари чуқур қазмоқдалар. Хитой Халқ Республикасининг Раиси Мао Цзэ-дун: **«Хитой территорияси бўлган Тайвань бундан ташқари Ливан ва Қўшма Штатларнинг чет давлатларда бўлган бошқа ҳарбий базалари — буларнинг ҳаммаси Америка империализмининг бўйнидаги сиртмоқдир»**, деб жуда тўғри айтган.

Хитой халқининг ғазаб ва нафрати шу кунда ниҳоятда ошган. «Халқ чучкирса — довул кўтарилади, халқ тепинса — ер ларзага келади», дейди хитой халқи. 600 миллионли хитой халқи депсинишга, Тайвань ва бошқа ороллари озод этишга ҳамиша тайёр! Ҳақиқат Улуғ Хитой томонида! Буюк Хитойдан қўлингни торт!

Турсунбой ЛАТИПОВ,
Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Пекин аҳолисидан минглаб киши ХХР Давлат кенгаши Бош министри Чжоу Эн-лайнинг Тайвань оролидаги аҳвол ҳақида қилган баёнотини қўллаб-қувватлаб оммавий митинг ва намойиш ўтказдилар. Улар АҚШнинг ҳарбий ғиғоларига қатъий равишда қаршилик кўрсатмоқдалар. Суратда: митинг қатнашчилари.

На И фотоси, Синьхуа агентлиги.

Улуғ Хитой социализм қурмоқда

Бугун — улуғ хитой халқининг катта байрами. Бундан тўққиз йил мўқаддам Пекиннинг кўҳна Тяньамэнин майдонида тўплардан отилган салютлар дунёда янги, қудратли давлат — Хитой Халқ Республикаси туғилганидан дарак берди. Шу кундан бошлаб улуғ Хитойнинг 600 миллионли халқи ўзининг йўлбошчиси Мао-Цзэ-дун ва курашларда синалган Коммунистик партияси раҳбарлигида социализм қурилиши йўлида устма-уст катта ғалабаларни қўлга киритиб келмоқда.

Тўққиз йил кишилик тарихида жуда қисқа муддат. Шундай бўлсада, аммо бу тўққиз йил Улуғ Хитой, унинг халқи учун бир тарихий даврдир. Шу йиллар мобайнида Хитойнинг қиёфасида таниб бўлмайдиган даражада ўзгаришлар юз бердики, эндиги Хитой феодаллар, чет эл империалистлари оёғи остида қоришган, капитал дунёси менсимаган қолоқ мамлакат бўлмай, балки ўз эркига эришган, империалистлардан бир умрга қутилган ҳур, кундан-кунга ривожланиб ўсаётган, гуллаб-яшнаётган қудратли давлатдир.

Хитой халқи ўзининг энг яхши фарзандлари бошчилигида феодал реакцияси ва чет эл капиталистларининг жабр-зулмига қарши юз йилдан ортиқ курашиб келди. Улуғ халқининг оғир ва машаққатли курраши 1949 йилнинг кузида катта ғалаба билан тугади. 1949 йилнинг 1 октябрида Хитой Халқ Республикаси эълон қилинди. Хитой халқининг бу ғалабаси Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин империализмга берилган энг катта зарба бўлди. Бу ғалаба империализмнинг мустамлакачилик сиёсатини остин-устин қилиб юборди, капитализм тузуми ҳалокатини янада тезлаштиргандек, жаҳонда коммунизм ғалабасини ҳам тезлаштириб юборди.

Ўз она юртининг ҳақиқий эгаси бўлиб қолган хитой халқи халқ демократияси ҳокимияти даврида халқ хўжалигини ривожлантиришда, мамлакатнинг илгариги қолоқлигини тугатиш, уни илғор индустриал мамлакатга айлантириш учун курашда катта ютуқларни қўлга киритди.

Марксизм-ленинизмнинг ғолибона таълимотига содиқ бўлган Хитой Коммунистик партияси халқ хўжалигини ривожлантиришнинг мардликларига қойил қолмаслик мумкин эмас. Хитой озод этилмасдан олдинги юз йил мобайнида миллий буржуазия ва чет эл капиталистлари мамлакат экономикасига ҳаммаси бўлиб 9 миллиард юандан салгина ортиқ маблағ сарфлаган эди. Хитой озод этилганидан кейин эса, биргина биринчи беш йилликда саноатга 27 миллиард юан сарфланди.

Бундан 9 йил муқаддам хитой халқи эски тузумдан қолган меросни ҳисоблаб ўзлаштирар экан, мамлакат иқтисодида жуда катта камчиликлар борлиги аён бўлади. Саноатнинг кўпгина тармоқлари йўқ эди, қидириб топилган ер ости бойликлари запаси, мутахассис кадрлар ва тажриба етишмас эди. Шундай оғир бир пайтда социалистик лагернинг қардош мамлакатлари, биринчи галда Совет Иттифоқи Хитойга ёрдам қўлларини узатдилар. Улар Хитойга ўз мутахассисларини, янги-янги техника ва ускуналар юбордилар, қурилиши зарур бўлган жуда кўп саноат корхоналарининг лойиҳаларини тузиб чиқдилар. Қардошларча ва бегараз кўрсатилган бу ёрдам хитой халқининг улуғ революцион ғайрати ва ташаббусига қўшилиб кетиб, ажойиб натижалар бера бошлади.

Коммунистик партия халқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган биринчи беш йиллик планни ишлаб чиқди ва уни халқнинг ижодий ташаббусига суянган ҳолда муваффақият билан амалга оширди. Планда кўзда тутилган 694 ўрнига 825 та йирик саноат корхонасини қуришга киришилди. 1957 йилнинг охирларига келиб улардан 450 таси фойдаланишга топширилди. Биринчи беш йилликда 4,1 миллион тонна пўлат эритилиши мўлжалланган бўлса, амалда 5,2 миллион тонна эритилди. Шу нарсани эслатиб ўтиш ўринлики, Америка Қўшма Штатларининг Хитойда биринчи беш йилликда эришилган пўлат эритиш даражасига етиши учун 16 йил (1880-1896 йиллар), Англия учун эса 23 йил (1880-1903 йиллар) керак бўлган. Иккинчи беш йилликнинг биринчи йили — 1958 йилда пўлат эритишни 10,7 миллион тоннага етказиш мўлжалланган. Хитой металлургларги бу соҳада катта муваффақиятларга эришмоқдалар. 1958 йилнинг биринчи ярмида металлургларг пландагидан ташқари давлатга 70 минг тонна пўлат, 360 минг тонна чўян ва 150 минг тонна прокат бердилар.

Халқ демократияси ҳокимияти йилларида машинасозлик саноатининг маҳсулоти қарийб ўттиз баравар кўпайди. Бундай ўсиш бирорта ҳам капиталистик мамлакатнинг тарихида бўлган эмас. Энди хитой халқи ўз ускуналари билан қуроллантирилган заводларда мураккаб станоклар, паровозлар, тепловозлар, автомобиллар, трактор ва қудратли пароходлар, реактив самолетлар ва турбиналар ишлаб чиқармоқда. Хитойга илгари четдан машиналар келтирилган бўлса, энди Хитой четга машина чиқармоқда, Хитойда ясалган машиналарни Бирма, Камбоджа, Индонезияда, Бирлашган Араб Республикасида ва бошқа мамлакатларда кўплаб учратиш мумкин.

Революциядан олдин ер ости бойликларига кам эътибор берилар эди. Бундан етмиш йил илгари биринчи механика кўмир шахтаси қурилган эди. Кўмир қазиб чиқариш жуда секинлик билан ўсди. Хитой озод этилишидан олдинги йилларда эса кўмир қазиб чиқариш кескин камайиб кетди. Транспорт, саноат ва электр станцияларига етилган етишмай қолди. Революция ғалабаси бу соҳага ҳам илҳомбахш таъсир ўтказди. Йирик шахта ва карьерлар бирин-кетин қурила бошлади. Кўмир қазиш йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Бу йил шахтёрлар мамлакатга 210 миллион тонна кўмир қазиб беришга аҳд қилганлар. Келгуси йили Хитой кўмир қазиб чиқариш соҳасида Англиядан (ўтган йили Англияда 227 миллион тонна кўмир чиқарилган эди) анча ўзиб кетади.

Шу йилнинг майида бўлиб ўтган Хитой Коммунистик партияси VIII съезднинг иккинчи сессияси хитой халқини социалистик қурилиш суръатини янада тезлатишга чақирди. Сессия партиянинг социализм қурилишини тезлатишга қаратилган бош йўлини белгилаб берди. Бунда Хитойни имконияти борича қисқа муддат ичида ҳозирги замон саноати ривож топган, қишлоқ хўжалиги механизациялашган, тараққий этган фан ва маданиятга эга бўлган социалистик мамлакатга айлантириш вазифаси қўйилган.

Ҳозирги вақтда Хитойда кенг ривож топаётган техника революцияси ўз олдига қишлоқ хўжалигини янги техника билан таъминлашни мақсад қилиб қўйган. Хитой Компартияси Марказий Комитети қишлоқни социалистик асосда ҳўжалаштиришнинг 1956-1967 йилларга мўлжалланган 12 йиллик планини ишлаб чиқди.

1957-1958 йилнинг қишида партиянинг буюк ғамхўрлигидан руҳланган улуғ хитой халқи қишлоқ хўжалигини кескин ривожлантириш ишини бошлаб юборди — биринчи галда, тарихда ҳали мисли кўрилмаган ирригация қурилишларини авж олдириб юборди. Агар ўтган йилнинг октябрида ҳар куни бу ишда 20-30 миллион киши қатнашган бўлса, бу йил эса 100 миллионга яқин одам қатнашмоқда. 1958 йилнинг февралига келиб суғорилаётган ернинг ҳажми 600 миллион муга (му — 1/15 гектарга тенг) етди. Иккинчи беш йилликда яна 500 миллион му ерни суғориш кўзда тутилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўплаб етиштиришнинг бошқа чоралари ҳам кўрилмоқда. Минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш соҳасида ҳам катта ишлар қилинмоқда. Янги-янги қишлоқ гидроэлектр станциялари қурилмоқда. 1957 йили қишлоқ гидроэлектр станциялари ҳаммаси бўлиб 20 минг киловатт миқдорида қувват ҳосил қилган бўлса, бу йил эса 300-350 миллион тонна ғалла етиштириш мўлжалланмоқда.

Хитойда юз бераётган маданий революция ўзининг моҳияти жиҳатидан чиндан ҳам улуғдир. Хитой Компартияси Марказий Комитети техника революцияси ва маданий революцияни амалга оширишнинг программасини чизиб берди. Саводсизликни тугатиш учун кураш умумхалқ характерига эга бўлиб қолди. Кейинги йиллар ичидагина 30 миллиондан ортиқ киши ўз саводсизлигини тугатди. Ҳозирги кунда 77,5 миллион хитой меҳнаткашлари саводсизликни тугатиш курсларига қатнамоқдалар.

Хитой Халқ Республикасида ҳозирги пайтда 150 миллион киши ҳар турли ўқув юртларида ўқиб турибди. Меҳнаткашларнинг 67 миллиондан ортиқ фарзандлари бошланғич мактабларда таълим олмоқдалар. Мамлакатда 7 мингга яқин ўрта мактаб ишлаб турибди. Уларда 6 миллион, яъни илгариги Хитойдагига қараганда тахминан тўрт баравар кўп киши ўқимоқда. Хитой халқининг 1,2 миллион ўғил ва қизлари 229 та олий ўқув юртларида таълим олмоқдалар.

Хитой Халқ Республикаси халқ хўжалиги ва маданиятининг ривожланаётганини кўрсатувчи бундай ёрқин фактларни кўплаб келтириш мумкин. Уларнинг ҳаммаси Хитойда барпо этилган янги тузум капиталистик тузумдан ғоят устун эканлигини, хитой халқи ўзининг шонли Коммунистик партияси раҳбарлиги остида ҳар қандай қийинчиликларга бардош бериб, мамлакатда тинч ва фаровон ҳаёт асоси, социализм асосини тез муддатда вужудга келтиришга астойдил киришганини яққол кўрсатиб турибди.

Хитой Халқ Республикаси жаҳонга улуғ ва тинчликсевар давлат сифатида танилди. Хитой халқи ер юзида барча халқлар билан уларнинг ижтимоий тузумидан қатъий назар дўст ва тинч-тотув бўлиб яшашни истайди. Халқ Хитойининг кўлга киритаётган ютуқларидан беҳад қувонаётган унинг дўстлари жаҳонда сон-саноқсиздир. Хитой Халқ Республикаси айниқса социалистик лагерь мамлакатлари билан, Совет Иттифоқи билан мустаҳкам алоқа иплари билан боғланган.

Икки буюк мамлакатнинг қардош халқлари бир мақсад йўлида курашмоқдалар. Улар ўртасидаги дўстлик ғолибона марксизм-ленинизмнинг улуғ ғоялари асосида вужудга келган ва мустаҳкамланганки, уни буза оладиган, унга рахна сола оладиган куч дунёда йўқ. Буни Хитой қирғоқларида ҳарбий авантюра уюштираётган Америка империалистлари яхши билиб қўйсинлар. «Мамлакатимизнинг улуғ дўсти, иттифоқчиси ва қўшниси бўлган Хитой Халқ Республикасига ҳужум қилиш Совет Иттифоқига ҳам ҳужум қилиш демакдир. Ўз бурчига содиқ бўлган бизнинг мамлакатимиз ҳар иккала давлатнинг хавфсизлигини, Узоқ Шарқда тинчлик манфаатларини, бутун дунёда тинчлик манфаатларини Халқ Хитойи билан биргаликда қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқ учун бутун чорани кўради» деймиз СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевнинг АҚШ президенти Д. Эйзенхауэрга юборган мактубида. Бу сўзларда Совет Иттифоқи халкларининг фикр ва туйғулари ўз ифодасини тўла топгандир.

Ўтган тўққиз йил Хитой Халқ Республикаси учун катта ўсиш ва буюк муваффақиятлар йиллари бўлди. Хитой халқи Хитой компартияси белгилаб берган вазифаларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатиб, шонли социалистик йўлдан комил ишонч билан олга бормоқда. Энг яқин дўстимиз, қардошимиз улуғ хитой халқига унинг социализм қуриш учун курашида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз!

С. ОРИПОВ.



Шанхай автомобиль йиғиш заводида «Джиш» типидаги автомашиналарни оммавий равишда ишлаб чиқариш бошланди. Суратда: завод цехида автомашиналарни йиғиш пайти.

Ся Дао-лин фотоси, Синьхуа агентлиги.

МАМЛАКАТГА 500 МИНГ ТОННА ПАХТА БЕРАМИЗ!

ОКТЯБРЬ ОЙИ ГРАФИГИНИ ОШИРИБ БАЖАРИШ УЧУН КУРАШАЙЛИК!

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ ҚУНДАЛИГИ

Октябрь—пахта териш ва тайёрлашда ҳал қилувчи ой

Областимиз колхоз ва совхозлари пахта тера бошлаганига ўн беш кун бўлди. Лекин шунга қарамай бирор кун ҳам бир процентга етказиб пахта тайёрлангани йўқ. Айрим колхоз ва совхозлар, районлар пахта териш ва тайёрлашда жуда орқада қолмоқдалар. Биз билан мусобақадош Андижон области пахтакорлари кейинги кунларда суръатни жадаллаштириб, республика сводкасида олдинги ўринларга чиқиб олдилар.

Область колхоз ва совхозларида пахта тайёрлаш суръатининг суст кетаётганлигини хаспўштлашга ҳеч қандай асос йўқ. Чунки дала ишларини пухта ташкил этган, теримнинг дастлабки кунлариданоқ суръатни жадаллаштираётган колхоз ва совхозларда давлатга кун сайин кўпроқ пахта топширилаётир. Бўка, Бекобод, Боёвут районларидаги айрим колхоз ва совхозларда пахта тайёрлашда ўтган йилги суръатга етиб олиниб, ўзиб кетилди.

Пахта териш ва тайёрлашда Ўрта Чирчиқ, Сирдарё, Октябрь ва Янгийўл районлари ўтган йилдаги суръатдан жуда орқада қолиб кетмоқдалар. Бу районларда шу кунгача пахта териш ва тайёрлаш юзасидан берилган график сира бажарилмади. Далаларда пахта жуда яхши очилган бўлишига қарамай, теримчиларнинг иш унуми яхши эмас. Чунки колхозчи ва совхоз ишчиларига уларнинг кўпроқ пахта теришлари учун кўнгилдагидек шароит яратиб берилмаган. Айрим пайтларда колхозчи ёки совхоз ишчиси узоқ йўл босиб хирмонга пахта олиб боради. Шундай қилиб у қимматли иш вақтини пахта териш билан эмас, пахта ташиш билан ўтказадики, бу, бригада ёки колхозда терим юзасидан берилган топшириқнинг кам бажарилишига олиб келмай илож йўқ. Колхоз правлениелари, совхозларнинг маъмуриятлари теримчиларнинг пахтасини хирмонга ташиб келтирилишини ташкил этишлари, ҳар бир колхозчи ва совхоз ишчисининг фақат пахта териш билан банд бўлишига эришишлари керак.

Бу йил кўпгина майдонлардаги пахтани машина билан териб олиш мўлжалланмоқда. Бунга эришиш учун ҳар бир колхоз ва совхозда тайёргарлик ишларини яқин 2-3 кун ичида тугаллаш, пахта териш машиналарики дала яқинига олиб бориб қўйиш, пахтаси нормал очилган жойларда терим машиналарининг тўла унум билан ишлашига эришиш зарур.

Ҳозирги кунда тайёрлов органларининг ходимларидан жонбозлик кўрсатиш талаб қилинади. Улар ҳар хил икир-чикирни рўкач қилиб, келтирилган пахтани қайтариб юборабермасликлари, намлиги, ифлослиги сал ошиқроқ бўлса, Ўша пахтани тайёрлов пунктлари қошидаги майдончаларга ёйиб қуритиб колхоз, совхозларга ёрдам бериш тайёрлов органи ходимларининг жонажон ишидир.

Эрта-индин колхоз ва совхозларга пахта теримида ёрдам бериш учун шаҳар меҳнаткашлари ҳамда студентлар чиқадилар. Колхоз правлениелари ва совхозларнинг маъмуриятлари ёрдамчилар учун ётоқ жойлари тайёрлашлари, уларнинг унумли ишлашига эришиш мақсадида маданий-маиший соҳаларни тартибга келтириб қўйишлари зарур. Айрим колхозларда ўтган йилларда бўлганидек ёрдамчилар келиши билан баъзи колхозчиларнинг ўз шахсий ишлари билан машғул бўлишига йўл қўймаслик, яъни ёрдамчилар келганидан кейин ҳам пахта тайёрлашда бир хилдаги кўрсаткичга эга бўлмай, олдинги кунлардагига қараганда кўпроқ пахта тайёрлашга эришиш зарур.

Октябрь—пахта териш ва тайёрлашда ҳал қилувчи ой. Ҳар бир колхоз ва совхоздаги барча куч ва имкониятлардан, қўлимиздаги пахта териш техникасидан тўла ва унумли фойдаланайлик. Сентябрдаги қолоқликни қоплаш билан, октябрь ойи графигини тўла ва ошириб бажариш учун курашайлик! Областимиз бўйича 500 минг тонна пахта тайёрлашда бирор киши ҳам четда қолмасин.

Ўзбекистон ССР жун тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари бажарди

Узбекистон ССР қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXI съездини муносиб кутиб олишга тайёрланиб, жун тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари 100,5 процентга етказиб бажардилар. Утган йилнинг шу даврдагига нисбатан 25 минг центнер кўпроқ жун тайёрланди. Давлатга жун сотиш давом этмоқда.

Мирзачўл район колхозларида пахта йиғим-терими тобора қизғин тус олаётир. Барча колхоз ва бригадаларда ҳар куни йиллик планнинг 2—2,5 проценти миқдорида пахта тайёрлаш учун курашилаётир. Суратларда: 1. «Коммуна» колхозининг тарозибоғи А. Камолов илғор теримчи Ғаниевнинг пахтасини қабул қилиб олаётир. 2. «Октябрь» колхозидаги ёшлар звеносида пахта териш пайти.

В. Салов фотолари.

Пискентда нималарга эътибор берилмаётир

Пискент райони ҳозир пахта тайёрлашда олдинги районлар қаторида кетаётган бўлса ҳам, бу суръат ҳали ҳеч кимни, шу жумладан райондаги ўртоқларнинг ўзларини ҳам қаноатлантирмаётир.

— Ўтган йили бу маҳалда районимизда пахта тайёрлаш плани 20 процентдан ошган эди. Кунига 2 процентга яқин пахта бериб турган эдик, — дейди районнинг баъзи раҳбарлари.

Нега бу йил суръат паст. Нима учун пискентлик ўртоқлар ўзларининг ишларидан ўзлари ҳам қаноатланмаётирлар. Районда пахта тайёрлаш суръатини тезлаштириш имкониятлари борми?

Шу кунларда айрим колхозлардаги, «Пискент» совхозининг баъзи бўлимларидаги ишларга қараганда районда пахта териш суръатини анча тезлаштириш мумкин. «Пискент» совхозининг 1- бўлими пахта теришда район бўйича энг олдинда бораяпти. Биз шу бўлимнинг бошлиғи ўртоқ Қосим Маҳмудовни Мираҳмад Шораҳмедов бригадасида пахта териб юрганида учратдик. Совхознинг бу бўлимида 538 ишчи бор экан. Лекин далада хўжаликнинг ҳар хил тармоқларида ишловчилар сони 634 кишидир. Фақат пахта тераётганларнинг сони 425 киши ҳисобланади. Бўлим раҳбарлари ҳар қайси бригаларга бўлиниб, бутун кун бўйи ўша бригадада, иш бошида бўлишни афзал кўрганлар.

— Бу усул яхши натижа беряпти, от миниб бригадама-бригада айланиб юрганда кўп нарсаларни пайқамай қолар эканмиз. Ҳозир бўлса биэга ҳамма бригадаларнинг ишларини чиқиригача маълум. Натижада кейинги беш кун ичида теримчилар сонини 50 кишига кўпайтира олдик. Кўп кишиларни теримга жалб этдик.

Бўлимнинг Очил Каримов, Мираҳмад Шораҳмедов, Ғулом Эшонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида айниқса иш яхши ташкил этилган. Шунинг учун бу бригадалар ҳаммадан олдинда бораётирлар. Жумладан ўртоқ Очил Каримов бошлиқ бригадада йиллик планнинг 35 проценти миқдорида пахта териб давлатга топширилган. Умуман 1- бўлимда ҳар куни 1,8-2 процент пахта терилаётир.

Аммо совхознинг айрим бўлимларида пахта терими ёмон уюштирилган. Ўртоқ Маннон Ғуломов бошлиқ 2- бўлимдаги 1200 гектар ерда пахталар қийғос очилиб ётибди. Лекин бу ерда терим суръати жуда паст. Бунга мавжуд ишчи кучларининг тўла сафарбар этилмагани ва теримчилар меҳнат унумининг пастлиги сабаб бўлмоқда. Бўлимдаги 750 кишидан 432 киши пахта терянти. Булар ҳам қуйлик нормани тўла бажармаётирлар.

Ўртоқ Омонтоев бошлиқ 3- бўлимда, Ўртоқ Каримов бошлиқ 8- бўлимда ҳам шундай аҳвол юз бераётир. 8- бўлимда 338 киши ўрнига фақат 220 киши пахта теримига жалб этилди. Бу теримчиларнинг бир кунда терган пахталари ҳар бир кишига ўрта ҳисобда 41 килограммдан тўғри келади, холос.

Биз 1- бўлимни айланиб юрган вақтимизда совхоз директори ўртоқ Худойберди Ҳайдаров билан учрашиб қолдик. Ўртоқ Ҳайдаровнинг сўзига қараганда 5200 гектар пахта майдонидан 1500 гектари машина билан терилиши лозим. Шундан энди 1000 гектар ердаги ғўза дефолиация қилинган.

— Совхозлаги ишчилардан ҳозир пахта теримига қанчаси қатнашаяпти? — сўрадик.

— 2500 кишидан 1600 киши пахта теряпти, — деди директор ўртоқ Ҳайдаров.

— Нима учун 900 киши теримга жалб этилмаган?

— Чунки у одамларнинг кўпчилиги пахтаси машина билан теришга ажратилган бўлимларда туради.

— Шу одамларни қўл билан пахта терилаётган бошқа бўлимларга ўтказилса бўлмайдими, барибир ҳозир бўш эканлар-ку?

Совхоз директори бироз ўйлаб олгач, жавоб берди:

— Қийин-да, ундан кўра Пискентнинг атрофидаги одамлар, мактаб ўқувчилари жалб этилса, буёқдаги бўлимларимизнинг ишлари юришиб кетади.

Кўриниб турибдики, совхоз директори ўртоқ Ҳайдаров ўзида бўлган ва ҳозир бекор юрган 900 ишчини теримга жалб этишдан кўра, мактаб ўқувчиларини чиқаришни афзал кўрмоқда. Суҳбатга биринчи бўлим бошлиғи ўртоқ Қосим Маҳмудов, аралашди.

— Шу кунларда бизнинг бўлимимизда 30 тоннага етказиб пахта терилянти. Мана, кўриб турибсизлар, пахта қийғос очилиб кетди. Агар одам бўлса бир кунда 60 тоннагача етказиб пахта терилиши мумкин, — деди.

Кўриниб турибдики, «Пискент» совхозида четдан одам жалб этмай, ўз кучларини теримга сафарбар этиш билан суръатни тезлаштириш мумкин. Бунинг учун ҳамма имконият бор. Бироқ совхоз раҳбарлари бу муҳим ишга бефарқ қарамоқдалар. Улар четдан одам келтириш тўғрисида бош қотираётган бўлсалар ҳам, ўзларидаги ишчиларни иш билан тўла таъминлаш ҳақида ўйлаб кўрмаётирлар.

Тельман номли колхознинг ўртоқ Ҳайдаркул Қодирқулов бошлиқ бригадасида йиллик план 32 процентдан ошириб бажарилгани ҳолда, ўртоқ Ҳамдам Султонов бошлиқ бригадада энди 2 процентга яқин пахта терилган. Бу бригадада ҳар бир теримчининг терган пахтаси ўрта ҳисобда 19 килограммдан ошмайди. Бундай аҳвол Энгельс номли, Шверник номли, Ворошилов номли колхозларда ҳам юз бераётир.

Ҳозир пахта очилмади деган баҳоналарга ўрин қолмади. Ҳамма пайкалларда пахталар қийғос очилмоқда. Энди гап илғи тўғри ташкил этишда, барча ишчи кучларини пахта теримига тўла сафарбар қилишда, уларнинг унумли ишлашлари учун пахтаси яхши очилган жойларга кўчириб ишлатишни ўз вақтида ташкил эта билишдадир. Пискент районидаги ўртоқлар мана шунга алоҳида эътибор беришлари керак.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Мусобақадош дугоналар

Қизларнинг кулгуси пахтазордаги жимжитликни бузиб юборди. Бунга Ҳабибанинг «Умрихонга тенглашаман», деб айтган сўзлари-ю, Умрихоннинг бунга пичинг қилиб «етиб бўсиз» деган гаплари сабаб бўлган эди. Ҳабиба дугоналарининг ҳазилига жавоб қайтармади. Кўрамиз, дегандек қараш қилди-да, барча дугоналари қатори енг шимариб ишга киришди. Пахтазорда бир зумда иш қизиб кетди. Қизлар бир-бирларидан ўзишга ҳаракат қилишарди.

Кеч кириб, қош ҳам қорая бошлади. Бугунги ишнинг натижаси хирмон тўла «оқ олтин»дан кўриниб турарди. Ҳамма Ҳабиба Умрихонга етиб олганмикан деган ҳаёллар билан табелчига тикилиб турарди. Табелчи теримчиларнинг пахтасини жамлай бошлади. «Ҳабибанинг пахтаси Умрихоннинг терган пахтаси билан баббаравар» деди ниҳоят табелчи ҳисоб дафтаридан бошини кўтариб.

Қизлар Ҳабибани табриклай бошладилар. Шунда Умрихон қизлар орасидан ўтиб бориб Ҳабибага яқинлашди. Дугоналарнинг севинч тўла кўзлари бугунги кунининг меҳнат нашъаси билан бир-бирларига қулиб боқарди... Шу куни Умри Бобоева, Ҳабиба Аминжоновалар 150 килограммдан, Мастон Хусаинова, Зайнаб Валиаҳмедовалар эса 100-120 килограммдан пахта теришибди.

Мирзачўл районидаги Ленин номли колхознинг ўртоқ И. Маражабов бошлиқ бригадаси аъзолари йиғим-теримни ўзаро социалистик мусобақа асосида ташкил этиб, меҳнатда яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Бригадада кўп минг килограммчилар ҳаракати кундан-кунга авж олдирилмоқда. 18 гектар ернинг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган, Ленин орденли звено бошлиғи Умри Бобоеванинг бу йилги аҳди катта. У ўтган йили 19 тонна пахта терган эди. Бу йил эса 25 тонна пахта териш учун беа боғлаган. Унинг дугоналари Ҳабиба, Мастон, Зайнаблар ҳам Умрига эргашиб, мавсумда 15-20 тоннадан пахта териш учун курашмоқдалар.

«Коммуна» колхозининг И. Камолов, З. Мамедов, М. Болтабоев, А. Қурбонов, О. Қўйчиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам кўп минг килограммчилар ҳаракати кун сайин авж олдирилмоқда.

Х. ХАЛИЛОВ.

Область районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1958 йил 30 сентябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш	Районлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш
Бекобод	13,95	1,02	Оржоникидзе	8,99	1,01
Боёвут	12,15	1,09	Урта Чирчиқ	8,45	0,81
Пискент	12,02	0,90	Сирдарё	8,22	0,79
Гулистон	11,44	1,07	Юқори Чирчиқ	7,93	0,84
Бўстонлиқ	11,40	1,15	Ўртасарой	7,90	0,82
Верхневолинск	11,39	1,03	Янгийўл	7,61	0,72
Бўка	11,30	1,01	Октябрь	7,54	0,59
Мирзачўл	11,0	1,17	Қуйи Чирчиқ	6,07	0,58
Оққўрғон	10,36	0,91	Оҳангарон	4,16	0,36
Чиноз	9,27	0,91	Калинин	4,07	0,42

Область совхозлар[illegible] пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида [illegible] 30 сентябргача бўлган [illegible] МОТ

([illegible] процент ҳисобида)

Совхозлар	[illegible]	[illegible]	[illegible]вхозлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш
«Дружба»	20[illegible]	[illegible]	3-«Боёвут»	8,54	0,81
«Фарҳод»	19,[illegible]	[illegible]	1-«Боёвут»	7,50	0,76
6-«Кўнқрол»	19,85	[illegible]	«Оққўрғон»	6,94	0,45
«Мирзачўл»	14,80	[illegible]	Тошкент наслчилик совхози	6,87	0,20
«Социализм»	14,69	[illegible]	Бушуев номли	6,54	0,67
«Пискент»	13,49	[illegible]	1-«Оҳангарон»	5,33	0,33
«Чаноқ»	13,22	1,[illegible]	«УзССР беш йиллиги»	4,13	0,38
«Гулистон»	12,38	1,04	2-«Оҳангарон»	2,12	0,47
2-«Далварзин»	11,95	0,91	«Малик»	1,34	0,22
1-«Далварзин»	11,52	0,86	«Вревский»	—	—
4-«Боёвут»	10,22	0,98			
Киров номли	8,63	0,85			

ОСИЕ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ЁЗУВЧИЛАРИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

Кришан ЧАНДАР

Муҳаббатнинг кўзи кўр, дейдилар

ҲИКОЯ

Ўша вақтда мен биринчи марта тушунган ва шу ҳақда кейинроқ англашилмовчилик чиқмаслиги учун ҳикоямнинг бошидаёқ сизга айтмоқчи бўлган нарса мана будир: менда «муҳаббат» сўзига нисбатан ҳам, «муҳаббат» тушунчасига нисбатан ҳам, «муҳаббат» номига нисбатан ҳам ўзимда қандайдир нафратга ўхшаш бир ҳис борлигини сеза бошладим.

Биринчидан, Ҳиндистонда муҳаббат йўқ. У, ғойиб бўлган, мавжуд бўлиши лозим бўлган бошқа кўп нарсалар сингари ғойиб бўлган. Ҳеч бўлмаса ҳиндлар билан мусулмонларни олиб қаранг. Ҳиндлар билан мусулмонлар бор, дейишади. Аслини олганда улардан бирортаси на ҳинд ва на мусулмон. Ёки яна: ҳиндлар қадимий халқ, Ҳиндистон эса кўп асрли маданият мамлакатидир, дейдилар. Буларнинг ҳаммаси шунақаку-я, аммо сиз ҳаддан ташқари эзилган халқнинг бу мамлакатда қандай яшаётганлигига бир назар ташланг. Шунинг учун муҳаббат ҳам бизнинг мамлакатда худди ана шундай аҳволда. Мен комил ишонч билан айтаманки, бу мамлакатда умуман муҳаббат йўқ, бордию бирор ерда бўлса ҳам у шунчалик жонсиз, шунчалик камситилган, шунчалик майриқ, шиқаста ва ғам-аламни эслатувчи муҳаббатки, бундай муҳаббатдан энг ништарли нафрат яхшироқдир.

Мисол учун узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Сиз бу мамлакатда бир-бирини севишганларга: Хир ва Ранджха, Сохни ва Махинвал ва бошқа, бошқа жуда кўп кишиларга қараб қўяқолинг. Сиз ана шуларга боқинг. Сиз уларнинг ҳаммасини ёвуз қисмат азоблаётганини, кўрқоқлик ва умидсизлик ҳисси қийнаётганини кўрасиз. Уларнинг муҳаббати ҳам қандайдир мунгли ва мажруҳ муҳаббатдир. Фараз қилингки, киши жон бераяпти, аммо муҳаббатни эътироф этмайди, «муҳаббат» сўзини сира-сира тилга олмайди, ўз ҳоҳишини айтмайди. Дадиллик етишмайди. Ошиқ ўз маъшуқаси ҳижронида ғам-алам чекадию, лекин мум тишлагандек дардини сир сақлайди, маъшуқа эса унга мен ҳам сени севаман, кел, бирор ёққа қочиб кетайлик, деб айтишга зинҳор журъат қила олмайди.

Ранджха қашлоқ бўлиб қолди, қўтосларни боқишга ёлланди, Афзалхон эса темир қозонда пишди, аммо бу эшаклардан бирортаси ҳой азизим, мен сени севаман, менга ёрдам бер, дейишга ироғи доб бермади. Мана, ўзингиз қаранг, бизнинг мамлакатимизда қандай беъманилик ва ярамаслик билан севадилар! Оҳ кошки эди бизда ҳам озроқ севиб, кўпроқ нафратланишни ўрганиб олсалар, балки биз ҳам ана ўша вақтда социализм қуриб олган бўлар эдик!

Мени бўлса муҳаббат гоят тинчимни қуритди. Бирор бир мамлакатда, оламнинг бирор бир бурчагида бирор киши ўз душманларини севган эмас, борди-ю ўз душманини севадиган киши топилиб қолгудай бўлса ҳам, бу, албатта ҳинд бўлади. Илонни сут билан боқадиган мамлакатда ҳар иш ҳам бўлиши мумкин. Дарвоқе, афандим, бу менинг ишим ҳам эмас. Мен шунчаки бир воқеани ҳикоя қилаяпман. Менинг ҳикоям икки минутликдир, Ҳиндистоннинг икки минг йиллик тарихини сўзлай, деб турганим ҳам йўқ! Севгини шунинг учун эслатдимки, мен сизга бир севги қиссасини айтиб бермоқчиман. Бу ҳикоя қишлоғимизнинг солиқ йиғувчиси ва у севиб қолган Чҳабели деган қиз ҳақидадир. Тўғрисини айтганда қишлоғимиздаги жамики ёш қиз бор, ҳаммасини шу афанди севиб қолган эди. Аммо қизларнинг унга қандай муносабатда бўлганликлари иккинчи масаладир. Мен биламанки, бу афанди фақатгина бўй етган қизлар ёки ёш қизларни эмас, ҳатто энди туғилиши лозим бўлган қизчаларни ҳам севарди. Афандининг қишлоқ темирчисининг ҳомиладор хотини — Пару ҳақида айтган гаплари ҳали-ҳали эсимда.

Тонг пайти, осмонни кулранг булутлар босган, қушлар манго дарахтларининг шохларига қўниб олиб, жон-жаҳди билан чуғурлашарди, ўтўланлар минглаб шудринг томчилари билан қопланган... Хулласи калом, тасаввур қилингки, ҳаво Джош Малихабади[1]нинг шеърлари билан тўлиб-тошган. Ана шундай тонгда солиқ йиғувчи афанди билан иккимиз сайр қилишга чиқдик. Эрталаб сайр қилиш киши соғлиги учун жуда фойдали: тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас оласан, сувга тушадиган зина олдида қизлар ўймалашади, завқ билан уларни тамоша қилишинг мумкин. Бу афанди нима учун ҳар куни эрталаб сайр қилишга чиқади, билмайман, аммо шахсан мен бўлсам соғлигимни мустаҳкамлаш мақсадидагина айланиб юрардим. Бундан ташқари қишлоқдагилар эгилиб салом берадиган энг катта бошлиқ билан қишлоқни айланиб юриш жуда ёқади, албатта... Ҳа, дарвоқе, мен солиқ йиғувчи афандининг ўппанинг Пару тўғрисида айтган гапларини айтишни унутиб ҳам қўйибман.

«Жиян, — деди у менга қараб.— Паруни кўраяпсанми? Турмушга чиққанга қадар ҳам анча соз қиз эди-да. — Узоқ жим қолгандан кейин яна қўшиб қўйди: — жуда чиройли қизча туғса керак...»

«Демак, бу афанди Парунинг ҳали туғилмаган қизини яхши кўрар эканда, — деб ўйладим. — Хўш, нима қипти, бу жуда яхши, қизча туғилади, улгаяди, бўйи етилади... Ажойиб кунларнинг бирида солиқ йиғувчи афанди уни кўради ва қизнинг ёй ўқидек ўткир нигоҳи қалбини пора қилганини пайқайди... Қиз севишнинг ҳеч қандай ажабланадиган ери йўқ, аммо ҳали туғилмаган қизни сева бошлаш ғалати-да, ана шунисига доғман!» Мен солиқ йиғувчи афандидан бошқа бирор кишининг шунақа қилишини кўз олдимга келтира олмадим. Бордию сиз битта-яримта шунақа одамни кўз олдингизга келтира олсангиз, ҳикояни ўзингиз давом эттириб кетишингиз мумкин.

Шундай қилиб бу афанди қишлоқ этикдўзининг катта қизи — Чҳабелини яхши кўриб қолди. Бу чин муҳаббат эди. Тўғри, у бунгача ҳам қишлоғимизнинг бир неча қизини севган, севганда ҳам чин илиб севганди, аммо кейинчалик маълум бўлдики, у муҳаббатлар чин эмас экан. Лекин энди унинг ўзи менга «биласанми, мен мана шу зоти паст қизни чинакамига севиб қолдим» деб айтди.

Солиқ йиғувчи афанди уч марта уйланган бўлиб, уччала хотинига ҳам навбатма-навбат меҳр қўйган эди. У кейинги хотини ўлгандан сўнг округдаги ҳамма қизга кўнгли ўсиб кета бошлади ва ҳаммасини чинакамига севиб қолди. У муҳаббат қидириб, олис-олислардаги қишлоқларгача ҳам бориб келди, бир куни бўлса қамоққа тушишига сал қолди-ю, аммо пул ўз вақтида жонига ора кирди.

Умуман бу мамлакатда кўп кишилар чинакамига сева олади, аммо ҳамма фалокат шундаки, ҳаммада ҳам пул бўлавермайди, чин муҳаббат эса пулинг бўлгандагина муваффақият қозона олади. Чин муҳаббатнинг ўзига хос хусусияти ҳам ана шунда. Агар сизда пулингиз бўлса, чин муҳаббат билан севмоқчи бўлганларни хоҳлаганча топишингиз мумкинлигини ўзингиз ҳам кўрган бўлур эдингиз. Бордию, пулингиз бўлмаса, бу мамлакатда чинакамига севиш хатарлидир.

Мен ўзим ҳам Чҳабелига кўз қиримни ташлаб юрардим, аммо мен қишлоқ мактабининг ўқитувчиси эдим, мен ўқувчиларимнинг аҳлоқини қўриқлашга даъват этилган кишиман, қишлоқ аҳолисининг фикрича эркакка ўхшамайдиган ўқитувчигина яхши ўқитувчидир. Улар ўқитувчи яхши кўриши мумкинмас, чунки у агар шундай этишга журъат қилса, бу қишлоқ ҳаётининг асосини ларзага келтиради ва болаларнинг аҳлоқли бўлишини хавф остида қолдиради деб ҳисоблашар эдилар. Мана шунинг учун, яъни мактаб ўқитувчиси ва яхшилик, олимликнинг тимсоли бўлган бир пайтимда қизларни севишни бас қилишимга тўғри келди. Биргина нарсага, у ҳам бўлса қизларга қарашгагина ўзимга рухсат берардим. Шундай навқирон, соғлом ва забардаст йигит хатто қизларга ҳам қарамасин, деб қаерда айтилган, ахир! Мана шунинг учун мен уларга қарардим... Мен Чҳабелини севардим, аммо қишлоқ аҳолиси ўқитувчининг яхши кўришига йўл қўйиб қўйганини ким қаерда кўрибди!

Мен ҳар куни эрталаб солиқ йиғувчи афанди билан бирга сайрга борардим ва баъзан Чҳабелини анҳорга олиб борадиган зина олдида ёки биздан бошқа ҳеч ким бўлмаган ўрмон четида учратиб қолардик. Менга ошиқ-маъшуқларнинг дарё ёки анҳор бўйида, ёки бирон бир ўрмон четида учрашувларини тасвирловчи романлар жуда ёқарди. Бундай романларни қайта-қайта ўқигим келарди. Сиз бир тасаввур қилиб кўринг, севган кишингиз билан сиз ўзингиз дарё бўйи ёки ўрмон четида учрашасиз. Ана шу фикрнинг ўзиданоқ юрагингиз дукиллаб ўйнай бошлайди. Тўғримми ахир?

Сиз, ёзувчилар, бизнинг ана шу заиф томонимиздан бойийсизлар ва ҳар бир романингизга ҳеч бўлмаса ана шунақа битта лавҳани киритасизлар. Биз, аҳмоқлар эса кейин ана шу лавҳани ўқиймиз-у, қайта-қайта ўқиб, сизларнинг шон-шуҳратингизни ёзмиз.

Шундай қилиб биз баъзан Чҳабелини ўрмон четида, ёки сувга олиб борадиган зина олдида, ёки йўлда ёлғиз учратардик. Мен сизга айтганимдек, унга фақат олисдан кўз қиримни ташлардим ва шу назар ташлаш билан қаноат ҳосил қилар эдим. Солиқ йиғувчи афанди Чҳабелига на фақат олазарак бўлиб тикиларди, балки у билан гаплаларди, ҳазиллашарди, куларди ва қандай қилиб бўлса ҳам бирон ерини ушлашга уринарди — чинакамига севсалар ҳамиша шунақа қилишади. Чҳабели одатда унинг бу ҳатти-ҳаракатига кескин жавоб берар, ҳаҳли чиқар ва тескари қараб, ҳатто этагини ушлашга ҳам сира-сира йўл қўймас эди. Афанди эса бундан гоят норози бўлар ва: «Сен ярамас жуда серноз-да! Ҳатто бирор ерингни ушлашга ҳам қўймайсан-а» дер эди.

Бироқ шунга қарамай, у Чҳабелини чинакамига севишда давом этди. Совғалар, кумуш узуклар, ҳар хил шойи латта, Чҳабелининг отаси тиккан зарҳал нақшли сандал, ҳар хил пул — баъзан тилла кружкача, баъзан кумуш парча, баъзан ярми кумуш, ярми никель парчаси ҳадя қиларди — аммо буларнинг ҳаммаси пул. Чҳабелининг отаси жуда ақлли одам эди. У бу пулларни олиб, қишлоқ дўкондорларидан бўлган қаразларини оз-оздан узди, гаровга қўйилган ерларини солиқ йиғувчидан сотиб олди, уйини ремонт қилди ва шу билан бирга қизининг бир тола сочининг тушишига ҳам йўл қўймади.

Сиз буржуйлар орасидан шунақа отани топа оласизми? Бундай одамлар ўз шон-шарафлари тўғрисида то ҳозган тойгунча ўбдон жар соладилар. Улар нажот йўли йўқлигини кўргач, ўз қизларини номус билан савдо қилиш учун кўчага чиқаралилар, ўзлари эса қизлари фирогида зор-зор йиғлаб ўладилар. Улар ана шунақа ёлғончи, тажрибасиз, ҳатто ўзларини ўзлари алдайдиган кишилардир.

Чҳабелининг отаси бошқа тоифадаги кишилардан, Чҳабелининг ўзи ҳам бошқача: улар камбағал эдилар. Уларда буржуйларга хос афзаллик йўқ эди, улар ўрта синф кишилари сингари фикр ҳам юрита олмасдилар. Бу одамлар ҳар куни солиқ йиғувчи афандига дуч келувчи кишилар орасида ўсиб-улғайган. Юз йиллардан бери бу аҳвол давом этиб келади, улар ана шунга қарши курашишни ўрганиб олганлар. Улар маглубиятга учрашларини ҳам, ғалаба қозонишларини ҳам биладилар ва бошқа бирор бир кишига нисбатан шароитни яхшироқ мулоҳаза қила олардилар. Сизнинг итоаткор хизматкорингиз бунақа ишларнинг фаҳмига сира етмасди. Сиз — бошқа ғап, сиз албатта тушунасиз, чунки сизларнинг қизларингиз уйингизда улгаяди, мактабда ўқийди, клеркларга турмушга чиқади ва ҳеч қандай солиқ йиғувчига тоби бўлмайди, ҳеч бўлмаганда бевосита тоби бўлмайди.

Шундай қилиб денг, кўп ўтмай, бу афандининг Чҳабелига муҳаббат қўйгани ҳаммага ошкора бўлди. Қизлар мазах қилиб ашула айтадиган, чўпонлар ҳуштак чалаадиган бўлиб қолишди. Солиқ йиғувчи афанди Чҳабелини кечасию кундузи ўйлай бошлади. У ози́б, рангги заъфарон бўлиб кетди, чинакам севган пайтда бўлгани каби эрталаб тез-тез қайт қилиб турарди. Тўғри, баъзи ошиқлар севгидан ўладилар, аммо солиқ йиғувчи афанди қайт қилиш билан кифояланарди. Бунинг ҳаммасига айёр қиз Чҳабели айбдор: бу афандининг шунча совга-саломи, ёнг ичиб ишонтиришлари ва чин муҳаббатига қарамай, у ҳатто афандининг бармоқ тегизишига ҳам йўл қўймасди. У солиқ йиғувчи афандининг чин муҳаббатини биларди-ю, шундай бўлса ҳам бу афандининг ўйланишни истаб, муҳаббатига рад жавоб берарди.

(ОХИРИ ТУРТИНЧИ БЕТДА).

[1] Хир ва Ранджха, Сохни ва Махинвал — панжоб халқ эпоси қаҳрамонлари.

[1] Джош Малихабади — ҳозирги замон йирик ҳинд шоирларидан бири (1894 йилда туғилган).

Брюссель виставкаси хотиралари

Журналист блокнотидан

Газетамизнинг 28 сентябрь сонида Брюсселдаги жаҳон виставкасида СССРнинг ва иттифоқчи республикаларнинг миллий кунлари қандай нишонланганлигини хабар қилган эдик. Бугун биз газетхонларни чет эллик меҳмонларнинг совет павильони ҳақидаги фикрлари ва Чехословакия ҳамда Венгрия республикаларининг павильонлари билан таништирамиз.

Чет эллик меҳмонлар совет павильони ҳақида

Совет халқининг саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданий қурилиш соҳасида эришган оламшумул тарихий ғалабалари совет павильонини келиб кўрган минг-мингларча чет эллик меҳмонларни ҳайратда қолдирмоқда. Дунёнинг ҳамма бурчакларидан Брюссель виставкасига келган кишилар — фан, маданият, санъат аҳиллари, саноат ва қишлоқ хўжалик мутахассислари, турли партия ва давлатларнинг вакиллари, уй ишлари билан шуғулланувчи аёллар совет кишиларининг қўли билан яратилган экспонатларни қизиқиб тамоша қилмоқдалар, совет павильонидан узоқ вақт эсда қоладиган унитилмас хотиралар олиб қайтмоқдалар, ўз таассуротлари ва фикрларини фикрлар дафтарига ёзиб қолдирмоқдалар.

Биз совет павильонининг секцияларидаги жуда қунт билан тутилган фикрлар дафтарлари билан таниши[illegible] чиқдик. Жаҳонда турли миллат кишиларининг фикрлари баён қилинган бу дафтарларни варақлар эканмиз, чет эллик меҳмонларнинг совет павильонига, ундаги экспонатларга, олиб халқимизнинг ижодий меҳнатига, ижтимоий ва давлат тузумимизга жуда юксак баҳо берганликларини ўқидик.

Англиянинг йирик сиёсий арбоби Лорд Бивер Брук қуйидаги мисраларни ёзиб қолдирган: «Сизнинг мамлакатингиз ҳамма соҳада қоят катта ишларни қилган. Бунга [illegible]тан бермасдан иложимиз йўқ. Совет реактив самолётларининг моделларини кўриб, ҳайратда қолдим. СССР да халқ маорифининг ташкил этилиши, илм-фан тараққиёти, Москва [illegible]верситетининг ажойиб биноси, [illegible]ларнинг ўқиши учун ҳамма шароитларнинг яратиб берилганлиги, жу[illegible] кўп миқдорда ҳар хил китоблар нашр этилаётганлиги — мана буларнинг ҳаммаси менда қоят кучли таассурот қолдирди».

Жаҳон виставкасининг генерал комиссари бароч Мунс де Фер[illegible] бундай деб ёзади: «Совет секцияси жаҳон виставкасига улуғ [illegible] қўйган. Павильонингизга қўйи[illegible] экспонатларнинг хилма-хил[illegible] Россиядек улуғ мамлакатнинг бугунги ҳаётини очиқойдин кўрсатиб турибди. Сизнинг экспозициянгиз ажойиб, уни ташкил этган кишилар ҳар қанча фахрланса арзийди».

«Ҳақиқий французлар, — деб ёзган францилик Мъер Дюпон, — сизларни инсониятнинг келажаги деб тасаввур қилади. Бутун инсоният учун жуда кўп иш қилганлиги ва қилаётганлиги учун сизнинг улуғ халқингизни қоят ҳурмат қилади ва севади».

«Бундан уч йил муқаддам Москвада бўлган вақтимда, — дейди Бельгия сенатининг раиси Стрюйе, — Москва Давлат университетининг янги биносини кўриб хурсанд бўлган эдим. Сизнинг университетингиз совет халқининг энг катта муваффақиятларидан биридир».

Фикрлар дафтарига ўз фикрларини ёзиб қолдирган кишиларнинг касби ва тушунчалари ҳар хил бўлганидек, уларнинг СССР павильонидан олган таассуротлари ҳам хилма-хилдир. Биз қуйида баъзи бирларини айнан кўчирамиз:

«Сизнинг павильонингиз мени жуда ҳаяжонлантирди. Ўзимни сизлар билан деб ҳисоблайман. Яшасин СССР! Жильберт Жертс, Антверпен».

«Мен Россияда 1930 йилда бўлган эдим. Сизлар тарих ҳали билмаган сакраш қилгансизлар. Яшасин СССР! Эльвера Мораллен».

«Бундан қирқ йил илгари сиз жуда қолоқ халқ ҳисобланар эдингиз, эндиликда эса тараққиётнинг олдида бормоқдасиз».

«Мени Қизил Армия озод қилган. Сизларга раҳмат».

«Ажойиб! Эсдан чиқмайди! Энг асосийси — қаниқат!»

«Брюссель виставкасида бўлган вақтимда Россия павильонини кўриб, бу павильоннинг ўз ҳаётимда кўрган ҳамма виставкалардан энг чиройлик, энг ажойиб ва ниҳоятда қизиқарли павильон эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдим. Мен рус ҳукуматини бу виставкада иштирок этиб, олижаноблик кўрсатганлиги билан табриклайман. Секлер, Антверпен».

«Мен америкалик киши сифатида шуни айтмоқчиманки, рус павильони менга ўзимизникидан кўпроқ ёқди. Смит».

«Нима учун Россия ҳақида бизга ёлғон гапларни айтишган экан? Яшасин Россия! Бельгиялик учувчи».

«Шу нарсаларнинг ҳаммаси қирқ [illegible] ичида қилинган бўлса, қойил [illegible] керак».

[illegible]дан ёзилган бундай юрак [illegible]лар дафтаридан ис[illegible]мкин. Бу сўзларни [illegible]н дунёга ёруг [illegible] турган улуғ со[illegible]з билан қонуний [illegible]а тўлиб-тошамиз. [illegible]нг ҳашаматли [illegible]т эсдан чиқмай[illegible]йи сақланади[illegible]ралар олиб чиқа[illegible]

Чехословакия ва Венгрия иштирок этмоқда. Чехословакия ва Венгрия павильонлари СССР павильонига яқин жойда жойлашган. Ҳар иккала мамлакатнинг павильонлари халқ демократияси тузумининг буюк муваффақиятларини, меҳнатсевар чехословак ва венгер халқларининг урушдан кейинги йилларда эришган ғалабаларини кўрсатишга бағишланган.

Чехословак павильони энергетика, машинасозлик, ойнасозлик ва керамика, қишлоқ хўжалиги, фан, музика, халқ ижодияти каби 13 та секциядан иборат. Павильонга кираберишда қўйилган скулптуралар «Ишламаган тишламайди», «Хўжалигимиз планли равишда ривожланмоқда», «Меҳнат қилиш ва билим олиш ҳуқуқи», «Ҳамма давлат олдида тенг ҳуқуққа эга» деган темаларни тасвирлайди. Биз Чехословакия павильонининг кўркам ва ёруг залларида айланиб юрибмиз. Влтава дарёси бўйига қурилган, бутун Европага машҳур бўлган Орлик гидроэлектростанциясининг макети ҳамманинг эътиборини ўзига жалб қилади. Бу гидроэлектростанциянинг чиройлик қилиб ишланган макети, унинг ёнидаги мамлакатда электростанция ишлаб чиқаришини кўрсатувчи катта диаграмма, сал нарироқда турган ҳозирги замон кўмир шахталарининг ажойиб ускуналари, одамларнинг бошқарувисиз ишлаб, маҳсулот берадиган машина социалистик Чехословакиянинг индустриал қудратини ифода қилади.

Павильоннинг иккинчи қаватида халқ ҳокимияти ўрнатилгандан кейин Чехословакия қишлоқ хўжалигининг гуркираб юксалиши, экин майдонларининг кенгайиши ва ҳосилнинг ошиши, шаҳар ва қишлоқларнинг қайта қурилиши, ободончилиги, маданият ва санъатнинг ўсиши кўрсатилган. Учинчи қаватда тўқимачилик ва енгил саноат, пойафзал, ипак ва каштачилик соҳасида талантли чехословак халқи ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг ажойиб нусхалари товланиб турибди.

Чехословакия павильонини тамоша қилиб бўлгандан сўнг Венгрия павильонига кирдик. Павильон хизматчилари бизни самимий кутиб олдилар. Павильоннинг бўлимларини айланиб чиқиб, улардаги экспонатларни зўр қизиқиш ва эътибор билан кўздан кечирдик. Бу экспонатлар венгер халқининг меҳнат ва маданият соҳасидаги катта муваффақиятларидан дарак беради. Павильоннинг архитектура жиҳатидан безалиши ажойиб, экспонатлари жуда соз.

Социалистик лагернинг улуғ ва қудратли оиласидан ўзига муносиб ўрин олган, муваффақият билан социализм қураётган Чехословакия ва Венгрия Халқ Республикаларининг павильонлари бу павильонларни келиб кўрган мингларча кишиларнинг хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади.

3. ЕСЕНБОЕВ.

(ДАВОМИ БОР).

(Боши газетамизнинг 24, 26, 27 ва 28 сентябрь сонларида).

[illegible]изм қураётган [illegible]амлакатларнинг [illegible]авильонларида

Брюсселдаги жаҳон виставкасида СССРдан ташқари социализм қураётган мамлакатлардан иккитаси —

БМТ Бош Ассамблеясининг XIII сессияси

НЬЮ-ЙОРК, 29 сентябрь. (ТАСС). Бугун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг эрталабки ялпи мажлисида умумий сиёсий дискуссия давом этди. Индонезия республикаси делегациясининг бошлиғи А. Састроамижойо биринчи бўлиб сўзга чиқди. У айтдики, зўр бериб қуролланиш, ҳарбий иттифоқлар эмас, балки халқаро ҳамкорлик барча давлатларнинг хавфсизлигини таъмин этадиган бирдан-бир гарантиядир. Шу муносабат билан Састроамижойо Осиё ва Африка мамлакатларини ҳарбий блокларга ва совуқ урушга жалб этиш хавфига алоҳида эътибор берди. Шу хилдаги уринишлар, деди, у, Шарқдаги аҳволни ғоят кескинлаштирди, Араб Шарқида кейинги вақтларда рўй берган ва Бош Ассамблеянинг фавқулодда сессияси муҳокама қилган кейинги икки кризиснинг асосий сабабларидан бири бўлди. Ҳозирги сессия ҳам, деди у, Осиё ва Африкадаги аҳвол сабабли фавқулодда сессия деб таърифланиши мумкин.

Састроамижойо таъкидлаб айтдики, Осиё ва Африкадаги кескинликни юмшатиш учун даставвал ғарб давлатлари халқлар орзу-тилакларига нисбатан муносабатларини ўзгартиришлари керак, ўзларининг ҳозирги сиёсатларидан воз кечишлари керак. Ғарб давлатлари «коммунизмнинг йўлини тўсиш» баҳонаси билан эски аҳволни сақлаб қолишга уринмоқдалар ва миллий ҳаракат ҳамда миллий тараққиётга тўсқинлик қилмоқдалар.

Индонезия делегати Тайвань бўғозидаги аҳволга тўхталиб, бундай тарафлик сиёсатини ўтказиш йўли билан халқаро кескинликни юмшатишга жиддий ёрдам беришга даъват этганлигини қизғин қўллаб-қувватлади.

Индонезия вакили таъкидлаб айтдики, зўр бериб қуролланиш кам тараққий этган мамлакатларга айниқса ҳалокатли таъсир кўрсатади, чунки зўр бериб қуролланиш, ҳарбий иттифоқлар эмас, балки халқаро ҳамкорлик барча давлатларнинг хавфсизлигини таъмин этадиган бирдан-бир гарантиядир. Шу муносабат билан Састроамижойо Осиё ва Африка мамлакатларини ҳарбий блокларга ва совуқ урушга жалб этиш хавфига алоҳида эътибор берди. Шу хилдаги уринишлар, деди, у, Шарқдаги аҳволни ғоят кескинлаштирди, Араб Шарқида кейинги вақтларда рўй берган ва Бош Ассамблеянинг фавқулодда сессияси муҳокама қилган кейинги икки кризиснинг асосий сабабларидан бири бўлди. Ҳозирги сессия ҳам, деди у, Осиё ва Африкадаги аҳвол сабабли фавқулодда сессия деб таърифланиши мумкин.

Састроамижойо таъкидлаб айтдики, Осиё ва Африкадаги кескинликни юмшатиш учун даставвал ғарб давлатлари халқлар орзу-тилакларига нисбатан муносабатларини ўзгартиришлари керак, ўзларининг ҳозирги сиёсатларидан воз кечишлари керак. Ғарб давлатлари «коммунизмнинг йўлини тўсиш» баҳонаси билан эски аҳволни сақлаб қолишга уринмоқдалар ва миллий ҳаракат ҳамда миллий тараққиётга тўсқинлик қилмоқдалар.

Индонезия делегати Тайвань бўғозидаги аҳволга тўхталиб, бундай деди: Биз, Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг сиёсий идеологиясига қўшилмасак ҳам, Хитой халқининг ўз мамлакатини бирлаштириш йўлидаги қонуний интилишига ҳайрихоҳлик кўрсатмоқдамиз. Ҳозирги ҳавфли аҳвол шунинг натижасида рўй бердики, баъзи давлатлар Хитойда миллий революция бўлганлигини тушунишни хоҳламаётирлар. Янги Хитойнинг идеологияси уларга ёқмаганлиги миллий революцияни ғайри қонуний революция қилиб қўймайди. Цзиньминьдао ва Мацзудао ороллари Хитой Халқ Республикаси ҳукумати учун миллий территориянинг хавфсизлиги ва бутунлиги масаласидир. Ўзини ҳурмат қилувчи бирор ҳукумат ҳеч ўз портларининг бемалол қамал қилинишига ва кемалар қатновининг изидан чиқарилишига, қиргоқ бўйидаги ороллларнинг ҳарбий игвогарлик ва бостириб кириш учун тайёргарлик кўриш арсеналига айлантирилишига асло йўл қўя олмайди.

Индонезия делегати айтдики, Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги вакиллиги масаласининг Бош Ассамблеяда овозга қўйилиши натижалари Варшавада олиб борилаётган музокараларнинг муваффақият қозонишига бўлган умидларга путур етказди. Хитойнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги ўрнини унинг қонуний ҳукумати вакиллари эгаллагани тамомила бошқача манзара ҳосил бўлур эди.

Састроамижойо Иордания делегатининг кичик давлатларга мурожаат қилиб, ҳарбий блокларда қатнашмаслик ва ўзларининг мустақил бе-тираеганлигига тўхталиб ўтди. Индонезия делегати айтдики, Индонезия бу масалани Бош Ассамблеянинг ҳозирги сессияси кун тартибига киритишни талаб қилмаган бўлса ҳам, у ана шу ҳал этилмаган проблемага жаҳон жамоатчилигининг эътиборини тинмай жалб этади. Ғарбий Ориан проблемасига, деб сўзини давом эттирди у, эътибор бериш шунинг учун ҳам зарурки, Голландия Индонезиянинг ана шу территориясига нисбатан ўзининг мустамлакачилик сиёсатини ҳануз давом эттириб келмоқда ва Индонезияга нисбатан саботаж, диверсия ва иқтисодий тазъйиқ кўрсатиш йўлига ўтмоқда.

Састроамижойо қуйидагиларни айтди: Ғарбий Ирианга нисбатан ўзининг мустамлакачилик ҳукмронлигини сақлаб қолишга интилаётган Голландиянинг сиёсати ер юзининг ана шу қисмида тинчлик ва хавфсизликка путур етказмоқда. Голландия ҳукумати ҳали яқиндагина Ғарбий Ириандаги ўз ҳарбий кучларини ошириш чораларини кўрди ва бу билан ер юзининг ана шу қисмидаги кескинликни тағин ҳам авж олдирди.

Эрталабки мажлисда Латин Америкасидаги уч мамлакат — Венесуэла, Колумбия ва Эквадор делегатлари ҳам сўзга чиқдилар. Улар иқтисодий ҳамкорлик ва иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган мамлакатларга ёрдам бериш масалаларига кўпроқ эътибор қилдилар. Венесуэла ташқи ишлар министри Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кам тараққий этган мамлакатларга ёрдами даставвал, ана шу мамлакатларни индустриалштиришдан иборат асосий мақсадга хизмат қилмоғи керак, деб таъкидлади. Венесуэла ва Эквадор делегатлари «баъзи мамлакатлар» томонидан савдосотиқ соҳасида амалга оширилаётган чеклаш сиёсатини жуда эҳтиётли иборалар билан қораладилар. Улар кволатлар ҳақида ва ўзлари бошқа мамлакатларга чиқараётган моллар шартларининг сунъий равишда қайтарилганлиги ҳақида гапирганларида бунда Қўшма Штатларни кўзда тутганликлари тамомила аён эди.

ХХР МУДОФАА МИНИСТРЛИГИ ВАКИЛИНИНГ БАЁНОТИ

ПЕКИН, 29 сентябрь. (ТАСС). Бугун Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар министрлигида Хитой ва чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси ўтказилди. Матбуот конференциясида Хитойнинг қитъадаги қисмида бўлган ҳарбий-ҳаво кучларига қарши ҳужум қилиш вақтида чанкайшичилар ҳарбий-ҳаво кучларининг АҚШ кўрсатмасига мувофиқ бошқариладиган снарядлардан фойдаланганликлари ҳақида Хитой Халқ Республикаси мудофаа министрлиги вакилининг баёноти мухбирларга тарқатилди.

Баёнотда бундай дейилади: 24 сентябрда чанкайшичиларнинг ҳарбий-ҳаво кучлари 143 марта учиш қилиб, Фуцзянь, Чжэцзянь ва Гуандун вилоятларининг ҳаво масофаларига бостириб кирдилар ва ҳарбий игво қилдилар. Чанкайшичиларнинг самолётлари ҳаво жанглари давомида Америкада ишлаб чиқарилган «чинқироқ илон» типидаги бошқарувчи снарядлардан фойдаланишдан ҳам қайтмадилар ва халқ озодлик армиясининг бир самолётини уриб туширгилар. Чанкайшичиларнинг ҳарбий-ҳаво кучлари бу сафар 24 сентябрь эрта билан соат 9-30 минутдан соат 9-40 минутгача «чинқироқ илон» типидаги 5 та бошқариладиган снарядни учирдилар. Бошқариладиган снарядлар Чжэцзян вилоятининг Вэньчжоу, Жуйань ва Лэцин районлари устидаги ҳаво масофаларига учирилди. Ҳозирги вақтда Вэньчжоу районидаги турли жойларда снарядларнинг қисмлари, шу жумладан ўз-ўзидан тўгриланадиган асбоб, снарядларнинг портламай қолган бош қисми ва қаттиқ ёқилғи билан ишлайдиган ракета қисми йиғиштириб олинди. Снарядларнинг бош қисмлари ҳаммага кўрсатиш учун Пекинга келтирилди.

Баёнотда бундай дейилади: АҚШ чанкайшичиларнинг ҳарбий-ҳаво кучларини «Ф-86» ва «Ф-100» типидаги самолётлар каби, «чинқироқ илон» типидаги бошқариладиган снарядлар ва шулар сингари ҳозирги замон қуроллари билан таъминлагаларидан кейин, шунингдек Америка ва чанкайшичи қўшинларнинг бошлиқлари Тайбэйда кенгаш ўтказиб турган бир пайтда чанкайшичи ҳарбий-ҳаво кучларининг янги ҳарбий игволари рўй берди. Бу эса ғоят жиддий можародир.

Мудофаа министрлигининг вакили қуйидагиларни айтди: ана шу жиноий ҳаракат муносабати билан Хитой халқ озодлик армияси чанкайшичиларнинг ҳарбий-ҳаво кучларига жавоб тариқасида зарба беради.

Матбуот конференциясидан кейин Хитой ва чет эл журналистлари бошқариладиган снарядларнинг Пекинга келтирилган қисмларини кўздан кечирдилар.

Араб Шарқи мамлактлари билан дўстлик ва маданий алоқа

СОВЕТ ЖАМИЯТИНИНГ БАЁНОТИ

29 сентябрда Москвада Араб Шарқи мамлакатлари билан дўстлик ва маданий алоқа жамияти правлениесининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Бу мажлис ўз ватанининг озодлиги ва миллий мустақиллиги учун курашаётган қаҳрамон Жазоир халқи билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга бағишланди.

Мажлисда жамият правлениесининг раиси С. В. Кафтанов, правление аъзолари Б. И. Самсонов, А. А. Афанасьев ва бошқалар нутқ сўзлаб, Жазоир Республикасининг ташкил топиши ва унинг муваққат ҳукумати тузилишини қизғин табрикладилар.

Мажлис қатнашчилари қабул қилинган резолюцияда ер юзидаги яхши ниятли кишиларнинг ҳаммаси қаҳрамон Жазоир халқининг буюк ғалабасини — Жазоир Республикасининг ташкил топиши ва унинг муваққат ҳукумати тузилганлигини эшитиб ғоят хурсанд бўлдилар, деб таъкидлайдилар.

Араб Шарқи мамлакатлари билан дўстлик ва маданий алоқа Совет жамияти ишчилар, колхозчилар, хизматчилар, фан, адабиёт ва санъат арбобларини ўз сафларида бирлаштиради. Жамият жазоир халқининг ўз ҳаққоний иши учун охиригача курашишга қатъий қарор берганлигини исбот этувчи тарихий аҳамиятга эга бўлган ана шу ишни барча совет кишилари билан биргаликда қизғин табриклайди.

Жазоир Республикасининг ташкил топиши ана шу мамлакат халқларининг озодлик йўлида кўп йиллар мобайнида олиб борган ҳаракатининг қонуний якунидир. Ана шу ажойиб воқеа мустамлакачиликка қарши, миллий мустақиллик ва тараққиёт учун қаҳрамонона курашаётган Араб Шарқи халқларининг тарихида янги саҳифа очди.

Разил мустамлакачилик қуллиги кишанлари парча-парча бўлмоқда, Осиё ва Африка мамлакатлари миллий мустақиллик ва озодлик йўлига ўтмоқдалар.

Жазоир халқининг суверенитетга эришиш, ўз тақдирини ўз ихтиёри билан ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлиш йўлидаги интилишини француз мустамлакачиларнинг бўғиб ташлашга қаратилган ҳар қандай ҳаракати барбод бўлишга маҳкум этилгандир. Ёш Жазоир Республикасининг, бу республика ҳукуматининг дўстлари кўп. Бу дўстлар орасида Совет Иттифоқининг миллионларча меҳнаткашлари, тинчлик ва тараққиёт ишини қадрлаётган кишиларнинг ҳаммаси бор.

Резолюцияда бундай дейилади: Ёш Жазоир Республикаси ва бу республика ҳукуматининг ўз халқининг озодлиги ва бахти учун курашдан иборат ҳаққоний ишида муваффақиятлар қозонишини чин кўнглимиздан истаймиз! Азиз жазоирлик қардошларимиз, бизнинг қалб ва фикримиз сизлар билан биргадир, биз сизларнинг ғалаба қозонишингизга ишонамиз. (ТАСС).

ШАХМАТ

СССР биринчилиги учун

СССР биринчилиги учун бўлаётган ярим финал шахмат мусобақасининг олтинчи турида Ўзбекистон чемпиони Грушевский халқаро мастер Симагинга (Москва) қарши қора доналар билан ўйнади. Рақибларнинг қарама-қарши томонларга рокировка қилишга ўйинга кескин тус берди. Кутилмаган пайтда Ўзбекистон чемпионининг фигура қурбон қилиши Симагинни саросимага солиб қўйди. Симагин тўғри ҳимоя чоралари билан ҳужумни қайтаришга муваффақ бўлсада, лекин унинг позицияси бироз оғирроқ аҳволда ўйин кечиктирилди. Турнир пешқадамлари халқаро мастер Холмов (Вильнюс) билан мастер Гипслис (Рига) учрашуви жуда қизиқ давом этди. Чунки бу ўйин натижаси ҳар икки томон учун ҳам жуда муҳим эди. Доскада фақат фаразиялар ва пиёдалар қолишига қарамай, Холмов бир неча нозик юришлар қилиб, рақибини таслим бўлишга мажбур этди.

Халқаро гроссмейстер Геллерга (Одесса) қарши ўйнаган мастер Шапошников (Куйбишев) Нимцович ҳимоясини қўллаб, позицияни баравараштириб олишга эришди. Лекин томонлар ўйинни давом эттирмай дурангга рози бўлишди. Ленинград чемпиони Рубель мастерликка кандидат Каталимовга (Қозоғистон), Бастриков (Свердловск) Владимировга (Ленинград) ва Гуфельд (Украина) халқаро гроссмейстер Корчнойга (Ленинград) ютказди. Икки партия кечиктирилди.

Олти турдан сўнг 5,5 очкога эга бўлган Холмов олдинда бормоқда.

У. ЭЛБЕКОВ,
мастерликка кандидат.

Телевизор экранида

2 ОКТЯБРДА

19.30. Болалар учун рус тилида «Қизиқарли алифбе» деган эшиттириш.
19.50. Узбек тилида Хитой Халқ Республикаси эълон қилинган кунга бағишланган эшиттириш.
20.20. Киножурнал.
21.10. Сўнгги ахборот.
21.25. Бадиий фильм.

Редактор ўринбосари
М. ҚОРИЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/Х да **Янгиер**, 2/Хда **Холисхон**.

«ИСКРА» (қишки) — 1 ва 2-залда кеч соат 7-40 минутдан **Қизил яproқлар**. 3-залда кундуз ва кечқурун **Навбатдаги сафар**.

«ИСКРА» (ёзги) — кеч соат 8 ва 10 да кенг экранли фильм **Капитан қизи**.

КАФАНОВ номли — **Том**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 ва 12 да **Юрашек**, кундуз 4 да **Онам мени эрга бермоқчи**, қолган сеансларда **Севги таронаси**.

«ХИВА» — **Фотима**.

«САЛЮТ» — **Навбатдаги сафар**.

«ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА — 2/Х кеч соат 7 да СССР кубоги учун: **СКВО (Львов) — «Пахтакор» (Тошкент) командалари ўртасида футбол.**

Муҳаббатнинг кўзи кўр, дейдилар

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА).

Уйландими? Сиз нега титраяпсиз? Ахир ҳар қандай муҳаббат ҳам тўй билан якунланишга интилмайдими? Фалакда ёки ерда тўй эр билан аёлнинг бирга яшашни билдиради ва бошқалар ҳам бу ҳақда ёмон тап гапирмайдилар. Агар уйланиш тўйсиз бўладиган бўлса унда одамларнинг уйланиши учун ҳеч қандай зарурат ҳам қолмасди, аммо одамларнинг бе-маъниليги туфайли бусиз мумкин эмас, шунинг учун ҳам Чхабели солиқ йиғувчи афанди мени олсин, деб танг қиларди. У эса эркин, чин муҳаббатга мажбур этар ва икки қалб, тушуняпсизми, икки юрак, икки жон учрашган жойга худо ҳам қарайди, шунинг учун тўй қилишнинг ҳеч қандай зарурияти йўқ, дер ва шунга ўхшаш гапларни айтар эди. Бироқ у Чхабелини сира ишонтира олмади. Бунинг натижасида чин муҳаббатига содиқ бўлиб қолаберди.

Шундай бўлса ҳам ажойиб кунларнинг бирида солиқ йиғувчи афанди Чхабелига уйланишга рози бўлди. Эсингизда бўлса керак, бу можора икки йилдан ортиқроқ давом этиб келди. У чин муҳаббати туфайли шунчалик эзилиб кетдики, қизга соҳиб бўлиш учун ҳамма нарсага розилик беришга мажбур бўлди. У ўзида бўлган қимматли нарсани қурбон қилишга — ўз бойлигининг кўп қисмини сарфлашга тайёр эди. Унинг учун тўй одатдаги нарса эди. Тўғри, у аввалига иккиланди: солиқ йиғувчи кутилмаганда этиқдўзнинг қизига уйланса-я, аммо чин муҳаббат шундай қилишга мажбур этди. Агар Улуғ мўғуллар сулоласидан чиққан императорлар чўриларга уйланган бўлса, ахир бир махараджа ҳатто балиқчи қизга уйланган, хўш солиқ йиғувчи афанди нега шундай қилолмайди, нега Чхабелига уйлана олмайди?

Солиқ йиғувчи афанди ўз диний ҳис-туйғуси ва виждонини бу ҳал қилувчи қадамга тайёрлар экан, тўйга ҳам тайёргарлиқ кўрила бошланди. Ҳамма ҳам ҳайратда эди. Бор-ни олиб қочиб кетганди. Қиз бир ўзи қочмаганди, у билан бирга астойдил севмаган, узоқдан жамолини завқ билан тамоша қилиб юрган киши — сизнинг камтарин қулингиз, қишлоқ ўқитувчиси ҳам қочиб кетган эди.

Ниҳоят солиқ йиғувчи афанди билан Чхабелининг отаси бизни узоқ бир қишлоқдан топди. Биз ҳар қанча узоқ қочиб кетмайлик, барибир пул бизни тутиб берарди. Солиқ йиғувчи афанди врачга пора берди, врач эса судда Чхабели ҳали балоғатга етгани йўқ деб гувоҳлик берди. У ҳали балоғатга етмаган, аммо ҳомиладор, у ҳали балоғатга етмаган-у, аммо менинг хотиним эди. Бу шунинг учун содир бўлдики, биринчидан, врач шундай деб айтди, иккинчидан, солиқ йиғувчи афанди Чхабелига чин муҳаббат қўйган эди, учинчидан Чхабелининг отаси олти минг рупиясини ололмаган эди.

Мана шулар натижасида қишлоқ ўқитувчиси уч йил қамоққа ҳукм қилинди.

Қамоқдан чиққанимдан кейин Бомбайга келдим. Мактабда ўқитувчилик қилишни ташладим, ҳозир бошмоқ тикаяпман, бу касбим билан ёшларнинг аҳлоқ негизига рахна солмайман ва бироз кўпроқ пул топаман. Қишлоқда мактаб ўқитувчисига ўн беш рупия тўлашади, мен эса бир жуфт бошмоғим учун йигирма рупия оламан. Чхабели билан икковимиз ойига ўн-ўникки жуфт бошмоқ тика оламиз. Қизимиз Альбели чиндан ҳам жуда хушчақчақ, хотиним ҳам қизимиз катта бўлса, бирор бир завод хўжайини албатта яхши кўради, ана шунда у чин муҳаббат пиалигини унга кўрсатиб қўяди деб қаттиқ ишонади.

Русчадан **Сами РАҲИМ** таржимаси.

ХХР МУДОФАА МИНИСТРЛИГИ ВАКИЛИНИНГ БАЁНОТИ

ПЕКИН, 29 сентябрь. (ТАСС). Бугун Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар министрлигида Хитой ва чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси ўтказилди. Матбуот конференциясида Хитойнинг қитъадаги қисмида бўлган ҳарбий-ҳаво кучларига қарши ҳужум қилиш вақтида чанкайшичилар ҳарбий-ҳаво кучларининг АҚШ кўрсатмасига мувофиқ бошқариладиган снарядлардан фойдаланганликлари ҳақида Хитой Халқ Республикаси мудофаа министрлиги вакилининг баёноти мухбирларга тарқатилди.

Баёнотда бундай дейилади: 24 сентябрда чанкайшичиларнинг ҳарбий-ҳаво кучлари 143 марта учиш қилиб, Фуцзянь, Чжэцзянь ва Гуандун вилоятларининг ҳаво масофаларига бостириб кирдилар ва ҳарбий игво қилдилар. Чанкайшичиларнинг самолётлари ҳаво жанглари давомида Америкада ишлаб чиқарилган «чинқироқ илон» типидаги бошқарувчи снарядлардан фойдаланишдан ҳам қайтмадилар ва халқ озодлик армиясининг бир самолётини уриб туширгилар. Чанкайшичиларнинг ҳарбий-ҳаво кучлари бу сафар 24 сентябрь эрта билан соат 9-30 минутдан соат 9-40 минутгача «чинқироқ илон» типидаги 5 та бошқариладиган снарядни учирдилар. Бошқариладиган снарядлар Чжэцзян вилоятининг Вэньчжоу, Жуйань ва Лэцин районлари устидаги ҳаво масофаларига учирилди. Ҳозирги вақтда Вэньчжоу районидаги турли жойларда снарядларнинг қисмлари, шу жумладан ўз-ўзидан тўгриланадиган асбоб, снарядларнинг портламай қолган бош қисми ва қаттиқ ёқилғи билан ишлайдиган ракета қисми йиғиштириб олинди. Снарядларнинг бош қисмлари ҳаммага кўрсатиш учун Пекинга келтирилди.

Баёнотда бундай дейилади: АҚШ чанкайшичиларнинг ҳарбий-ҳаво кучларини «Ф-86» ва «Ф-100» типидаги самолётлар каби, «чинқироқ илон» типидаги бошқариладиган снарядлар ва шулар сингари ҳозирги замон қуроллари билан таъминлагаларидан кейин, шунингдек Америка ва чанкайшичи қўшинларнинг бошлиқлари Тайбэйда кенгаш ўтказиб турган бир пайтда чанкайшичи ҳарбий-ҳаво кучларининг янги ҳарбий игволари рўй берди. Бу эса ғоят жиддий можародир.

Мудофаа министрлигининг вакили қуйидагиларни айтди: ана шу жиноий ҳаракат муносабати билан Хитой халқ озодлик армияси чанкайшичиларнинг ҳарбий-ҳаво кучларига жавоб тариқасида зарба беради.

Матбуот конференциясидан кейин Хитой ва чет эл журналистлари бошқариладиган снарядларнинг Пекинга келтирилган қисмларини кўздан кечирдилар.

Газета ва журналларга

1959 йил учун

обуна қилиш давом этади

ГАЗЕТАЛАР:

«Қизил Ўзбекистон»,
«Правда Востока»,
«Ўзбекистони сурх»,
«Ленин байроғи»,
«Тошкент ҳақиқати»,
«Ташкентская правда»,
«Ўзбекистон маданияти»,
«Ёш ленинчи»,
«Комсомолец Ўзбекистана»,
«Ленин учқуни»,
«Пионер Востока».

ЖУРНАЛЛАР:

«Ўзбекистон коммунисти»,
«Партия турмуши»,
«Агитатор блокноти»,
«Блокнот агитатора»,
«Ўзбекистон» (ўзбек ва рус тилларида),
«Муштум» (ойда 2 марта чиқади),
«Ўзбекистон хотин-қизлари»,
«Маҳаллий матбуот ходимларига ёрдам» (ўзбек ва рус тилларида).
«Гулхан»,
«Ғунча»,
«Шарқ юлдузи»,
«Звезда Востока»,
«Фан ҳақида суҳбатлар»,
«Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи Ўзбекистон жамиятининг лекциялари»,
Рангли фотоплакатлар.

Обуна «Союзпечать» бўлимларида, алоқа конторалари, бўлимлари ва агентликларида, шунингдек ўқув юртлари ва муассасалар, фабрика, завод, колхоз, совхоз, МТС ва РТСлардаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

Бирлашган нашриёт. Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги Матбуот тарқатиш бўлими.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808. 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалиги бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 29040. Эълонлар бўлими — 38142.

Р 05520. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Б-580.